БДИТЕЛЬНЫЕ ВОИНЫ 7

ТАРИХИ ҚОН БИЛАН ЁЗИЛГАН 8

БАХОДИР ЖАЛОЛОВ – ЛУЧШИЙ СПОРТСМЕН ГОДА 14

ЭЛЛИК ЙИЛДАН СЎНГ ЭЛИГА ҚАЙТГАН АСАР 16

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

2020-yil 4-yanvar

№ 1 (4439/4357)

O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

## ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР – КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

**Мамлакатимизда билимли болаларни аниқлаб, чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш, талаб юқори бўлган соҳаларга йўналтириш мақсадида ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилмоқда.**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 сентябрдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактаб шундай таълим масканларидан биридир. Яқинда пойтахтимиздаги ушбу мактабнинг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Мактабда кенг шароитлар, фан кабинетларидан ташқари, дарслар ҳамда факультатив машғулотларни инновацион усулларда ўтиш учун қўшимча имкониятлар яратилган. Жаҳонга машҳур турли компанияларнинг махсус синфлари очилган.

Мактабда ўқувчилар замонавий мобиль ва компьютер дастурларини ўрганиши, ўз устида ишлаб, тажриба ошириши учун робототехника ва электроника хоналари, инновацион ва виртуал лабораториялар ташкил этилган.

Жорий йилда мактабнинг 5–11 синфларига 680 нафар ўқувчи математика ва чет тили синовлари асосида қабул қилинди. Педагогик жамоага Буюк Британия, Жанубий Корея ва Ҳиндистондан ўқитувчилар жалб этилган.









## ҚАЛБИДА ДАРЁЛАР ШИДДАТИ БОРДИР...



### УРУШНИНГ НОМИ ЎЧСИН

Отаси урушдан қўлтиқтаёқда қайтган экан. Бадритдин ака эсини таниганида, Усмон ота ҳассага таяниб юрарди. Шу ҳолида ўқувчиларга дарс берар, мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимида ишларди.

Усмон ота уруш тўғрисида гапиришни хушламасди. Бир гал фарзандлари қўярда-қўймай сўрайверишгач, офицер бўлганини, бўлинма командири сифатида бир неча бор ўқ ёмғири остида аскарларни ҳужумга бошлаганини айтиб берганди. Охирги гал «Ватан учун! Ғалаба учун!» дея ҳайқириб душман позицияси томон ташланганида оёғидан оғир жароҳатланади. Шундан сўнг саккиз ой госпиталда даволаниб, тиббий комиссия томонидан ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилади.

3

### ПРЕЗИДЕНТСКАЯ ШКОЛА ОКРЫЛЯЕТ МОЛОДЕЖЬ



15

### «Ҳамма фильм ҳам муваффақият қозонавермайди»



13

### ТОШКЕНТНИНГ ЎН ИККИ ДАРВОЗАСИ



24

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## Жиноий ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилиш ҳолатлари ҳамда ўз зиммасига юклатилган хизмат вазифаларини бажараётган ички ишлар органлари ходимларининг ҳаракатларини қайд этувчи техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

**Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ЎРҚ–407-сон Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, жиноий ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилиш ҳолатларини ҳамда ўз зиммасига юклатилган хизмат вазифаларини бажараётган ички ишлар органлари ходимларининг ҳаракатларини қайд этувчи техник воситаларни ички ишлар органлари фаолиятига жорий этиш мақсадида буюраман:**

1. Жиноий ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилиш ҳолатлари ҳамда ўз зиммасига юклатилган хизмат вазифаларини бажараётган ички ишлар органлари ходимларининг ҳаракатларини қайд этувчи техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлик Йўл ҳаракати хавфсизлиги, Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва Жазони ижро этиш бош бошқармалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ва таълим муассасалари бошлиқлари:

икки ҳафта муддатда ушбу Йўриқномага мувофиқ, шахсий таркиб билан техник воситалардан фойдаланиш тартиби бўйича ўқув дастури ишлаб чиқсин;

ички ишлар органлари шахсий таркиби томонидан Йўриқнома талаблари сўзсиз бажарилиши юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

3. Вазирлик Йўл ҳаракати хавфсизлиги (О. Саидов), Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш (Б. Абдуллаев) ҳамда Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси (Б. Бердалиев) хизматлари икки ҳафта муддатда ҳудудий бўлинмаларининг амалдаги штатлари доирасида ички ишлар органлари навбатчилик қисмларида ўрнатилган видеокузатув мосламасини кузатиб борувчи гуруҳлар ташкил этиш бўйича таклифлар киритсин.

4. Вазирлик Кадрлар бош бошқармаси (Т. Жуманов) янги ташкил этилаётган лавозимларни зарур мутахассисликка эга ҳамда хизмат вазифаларини бажаришга лаёқатли ходимлар билан жамлаш ишларини амалга оширсин.

5. Вазирлик Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармаси (Ф. Касимов):

мазкур Йўриқномада назарда тутилган техник воситаларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича доимий мониторинг олиб борсин;

ахборот тизими ва мобиль видеокамера воситалари ҳисобини юритиш, сақлаш ва ишлаш ҳолати устидан доимий назорат қилиб борсин;

муҳандислик инфратузилма воситаларида аниқланган носозликларни бартараф этиш юзасидан тезкор чораларни амалга оширсин.

6. Вазирлик Бирлашган таҳририяти (Б. Садикова) Ички ишлар вазирлигининг «Постда» ва «На посту» газеталарида ушбу буйруқнинг расмий нашр этилишини таъминласин.

7. Вазирлик Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси бошлиғи (Ш. Гиясов) Йўл ҳаракати хавфсизлиги, Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармалари билан ҳамкорликда жиноий ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилиш ҳолатларини ҳамда ўз зиммасига юклатилган хизмат вазифаларини бажараётган ички ишлар органлари ходимларининг хизмат фаолиятини аудио-видео фиксация қилувчи техник воситалардан фойдаланиш тартибини акс эттирувчи теле ва радиоэшиттиришлар, босма нашрлар ва интернет тармоғида эълонлар циклини тизимли асосда тайёрласин ва эълон қилинишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2019 йил 16 мартдаги «Ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар билан мулоқот жараёнини қайд этувчи мобиль видеокамералардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 60-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур буйруқ ижросини таъминлаш вазирлик таркибий ва ҳудудий бўлинмалари бошлиқларига, умумий назорат Вазир ўринбосарлари, полковник А. Раҳматуллаев ва генерал-майор А. Икрамов зиммасига юклатилсин.

**Вазир**
**генерал-лейтенант**
**П. Р. БОБОЖОНОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2019 йил 25 декабрь,*
*444-сон*

ЖАМИЯТ ВА АЁЛ

**Наманган вилоятида оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида муқаддам судланган ва жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган 112 нафар хотин-қизни ижтимоий реабилитация қилиш мақсадида ҳар бирига уч нафардан мураббий бириктирилди.**

# ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАСИ ҲАМИША КУН ТАРТИБИДА



Улар тиббий кўрикдан ўтказилиб, 62 нафари иш билан таъминланди. Шунингдек, 18 нафарига биометрик паспорт олишда кўмак берилди. Тузалиш йўлига кириб, ижобий томонга ўзгарган 18 нафар хотин-қиз кафиллик асосида ички ишлар органлари профилактик ҳисобидан чиқарилди.

Хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик содир этилмаслигини таъминлаш, бу муаммоларнинг олдини олишда тегишли соҳа вакиллари билан ҳамкорликда вилоятдаги 373 нафар ҳуқуқбузарликка мойил хотин-қиз ва 2229 та ажрим ёқасига келиб қолган оила билан якка тартибда профилактик суҳбатлар олиб борилди. Мавжуд муаммолар юзасидан тегишли хулосалар чиқарилиб, улар билан шуғулланиш учун мураббийлар бириктирилди. Натижада 858 та нотинч оила муросага келтирилиб, 465 та оиланинг муаммоларини ҳал қилиш чоралари юзасидан доимий мониторинглар олиб борилмоқда.

Ўтган йили вилоятда хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар сони камайганини амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижаси, дейиш мумкин. Масалан, таҳлилларда жиноят содир этган аёлларнинг 92 нафари оилали, 142 нафари оиласиз, 68 нафари ўқимайдиган-ишламайдиганлар экани яққол кўзга ташланди.

Хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятларнинг олдини олиш мақсадида «Орият» ва бошқа махсус профилактик тадбирлар давомида 10 та фоҳишахона сақлаш, 18 та ахлоқ-одоб, 337 та оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, маҳаллаларда кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилинди.

Таъкидлаш лозимки, вилоят аҳолиси, айниқса, хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда оиланинг муқаддас даргоҳ эканлигини акс эттирувчи турли мавзуларнинг оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ёритилаётгани яхши самара бераётир. Бу йўлдаги барча саъй-ҳаракатлар жиноятларнинг кескин камайишига туртки бўляпти.

*Гулноза* **РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**Наманган вилояти ИИБ ҲПБ хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори, лейтенант.**

## ТАЙИНЛАНДИЛАР



**Полковник Ходжаев Шуҳрат Нигматуллаевич** – ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари – Ички миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғи лавозимига



**Подполковник Мирзақамбаров Улуғбек Абдумуродович** – ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – Хорижий фуқаролар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи лавозимига

ОЧЕРК

# ҚАЛБИДА ДАРЁЛАР ШИДДАТИ БОРДИР...

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Уруш даҳшатларини, жангу жадалларни кўрганига қарамай, Усмон отанинг дийдаси қотиб кетмаганди. У болаларини калтаклаш тугул, қаттиқ жеркимаган ҳам. Иши кўп бўлгани учун, оилада фарзанд тарбияси билан асосан рафиқаси Сора ая шуғулланарди.

Бадритдин ака урушдан кейинги қийинчиликларни эс-эс хотирлайди. Мактабда ўқиб юрган кезлари ҳам рўзғор тебратишнинг ўзи бўлмасди. Айниқса, серфарзанд оила бўлса. Шунинг учун у саккизинчи синфни битиргач, аксар тенгдошлари сингари ишга кирди. Уйига яқин бўлгани учун Тошкент авиасозлик заводида чилангарга шогирд тушди. Уқувли бўлгани боис тез орада бу касбни бинойидай эгаллаб олди. Ўқишни эса кечки мактабда давом эттирди.

## ОПАСИНИНГ УНДОВИ БИЛАН

Етуклик гувоҳномасини олган Бадритдинни ҳамкасблари Политехника институтининг заводдаги самолётсозлик факультетига ўқишга киришга ундашди. Завод раҳбарлари йўлланма беришини айтишди. Бадритдин ниманинг қилишини билмай, Тошкент давлат университетининг биология факультетида таҳсил олаётган опасидан маслаҳат сўради.

– Яхшиси, бизнинг факультет билан бир бинода жойлашган геология факультетига ўқишга кир. Геолог бўласан, юртимизнинг тоғу қирларини, водийу воҳаларини, чўлу адирларини кезиб чиқасан. Романтика! Ё бўлмаса, шу факультетнинг гидрогеология бўлимида ўқисанг, республикамиздаги ҳамма дарёларни беш қўлдек билиб оласан, – деди опаси.

Бадритдин эртасигаёқ ҳужжатларини кўтариб ТошДУга йўл олди. Ҳужжат қабул қилаётган аёл:

– Гидрогеология йўналишига киришинг даргумон. Бир ўринга 11 абитуриент ҳужжат топширган, – деди.

Бадритдин нима қилишини билмай турганида, қўшни столда ҳужжат қабул қилаётган киши уни чақириб қолди.

– Йўқ, мен ўқитувчи бўлмайман, муҳандис бўлишни хоҳлайман, – деди Бадритдин.

Ҳалиги киши кулимсираб:

– Сенга гидрология бўлимига киришни маслаҳат бермоқчийдим. Уни битирсанг ҳам, инженер бўласан, бизда бир ўринга уч даъвогар. Меҳнат стажинг ҳам бор экан...

Бадритдин уйга келиб, опаси билан маслаҳатлашди. Хуллас, 1967 йили дорилфунун талабаси бўлди.

## ДАРЁЛАРНИ ЯЁВ КЕЗГАНДА

Ўқиш жуда қизиқ эди. Назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида тез-тез амалиётга чиқиб туришарди. Дарёлар қандай пайдо бўлишини ўз кўзлари билан кўриш учун Қирғизистон тоғларининг асрий музликларини ўрганишди. Кейинроқ Туркманистондаги сув ҳавзалари билан яқиндан танишди. Бадритдин ҳар гал курсдошлари билан Ўзбекистон дарёларини ўрганиш учун экспедицияга чиқаркан, ўлкамиздаги ҳар бир дарёнинг ўзига хос жиҳати, сир-асрори, гўзаллиги, ландшафти, таъбир жоиз бўлса, феъл-атвори борлигидан ҳайратга тушарди. Дарёлар бўйини кезишнинг, улар ёқасида кечган тунларнинг ҳам ўзгача гашти, тароввати бор-да...



## КУТИЛМАГАН ТАКЛИФ

Тўртинчи босқичда ўқиб юрган кезлари эди. Ўшанда Ёшлар уюшмасининг факультетдаги бошланғич ташкилотига ҳам етакчилик қиларди. Бир куни ректоратда ишлайдиган рус йигит факультетга келиб, у билан суҳбатлашди. Қизиқишларини, оила аъзоларини суриштирди. Рус тилини қай даражада билишини ҳам синовдан ўтказди. Лекин суҳбатдан кўзлаган мақсадини айтмади. Бадритдин ака ҳам сўраб ўтирмади.

Ўқиш билан бўлиб, ўша суҳбат ёдидан ҳам кўтарилиб кетган экан. Диплом иши бўйича Писком дарёсининг Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Боғистон қишлоғидан оқиб ўтувчи ирмоғининг хусусиятларини ўрганиб юрган эди. Кун бўйи ирмоқнинг оқим тезлигини, сув ҳажмини ўлчаш, харитасини, яратиш, ландшафтини тадқиқ қилиш билан банд бўларди.

Бир куни тўсатдан уни факультетга чақириб қолишди. Ҳалиги рус йигит Давлат хавфсизлик хизматига ишга таклиф қилди. Кутилмаган таклифни акалари билан маслаҳатлашганда, «Қийинчиликларига чидасанг, рози бўлавер», дейишди. Хуллас, 1974 йилдан ушбу тизимда хизмат фаолиятини бошлади. 23 йил давомида бўлим бошлиғигача бўлган турли лавозимларда ишлади.

## МАСЪУЛИЯТЛИ ПАЛЛАДА МАСЪУЛИЯТЛИ ЛАВОЗИМГА

Гапни сал узоқроқдан бошлайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини амалга киритиш тадбирларига тайёргарлик босқичи тамом бўлгач, 1994 йил 23 декабрда мамлакатимиз Президентининг фармони билан «Ўзбекистон Республикаси паспорт тизими тўғрисидаги низом» тасдиқланди. Фармонга мувофиқ, 1995 йилдан юртимиз фуқароларига Ўзбекистон фуқароси паспортини бериш бошланиб, паспортларни алмаштириш 2000 йилнинг 1 январигача ниҳоясига етказилиши лозим эди.

Бадритдин Усманович ана шундай масъулиятли бир паллада – 1997 йилнинг май ойида масъулиятли лавозимга – ИИВ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди. Ҳеч бир янгиланиш камчиликсиз бўлмайди. Янги раҳбар вазиятни ўрганиб, жараён суст кечяпти, деган қарорга келди. Бунақада паспорт алмаштириш ишлари белгиланган муддатда тугалланмаслиги мумкин эди. Бунинг сабаби текширилганда, фуқароларнинг ўзи паспортини алмаштиришга шошмаётгани аён бўлди. Шунинг учун аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари кучайтирилди. Бу борада профилактика инспекторлари, маҳалла фаоллари билан яқиндан ҳамкорлик қилинди.

Яна бир камчилик шундан иборат эдики, мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини бериш ҳоллари учраб турганди. Бу камчиликни бартараф этиш учун соҳа ходимларининг тегишли меъёрий ҳужжатлар бўйича билимини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тўғри, Бадритдин Усмановичнинг янги тизимда, бунинг устига, масъулиятли раҳбарлик лавозимида муваффақиятли ишлаб кетиши осон кечгани йўқ. Бунда унга Ички ишлар вазирининг ўша даврдаги ўринбосарлари йўл-йўриқ кўрсатиб, яқиндан ёрдам беришди. Умуман, лавҳамиз қаҳрамонининг бахти, омади шундаки, у ИИВ тизимидаги фаолияти давомида ҳамиша вазирлик раҳбариятининг мададини, қўллаб-қувватлашини ҳис қилиб турди.

## РАҚАМЛАР СЎЗЛАГАНДА

Биргина мақолада қаҳрамонимиз бошчилигида ушбу тизимда амалга оширилган ишларнинг ҳаммаси ҳақида ҳикоя қилишнинг имкони йўқ. Шунинг учун асосий нуқталаргагина тўхталиб ўтяпмиз.

Бадритдин Усмановичнинг ташкилотчилик қобилияти, раҳбарлик салоҳияти мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 23 июндаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш жараёнида яна бир бор синовдан ўтди. Ушбу фармонга мувофиқ, республикамизда биометрик паспорт жорий этилиши кўзда тутилган эди.

Бунга дастлаб жиддий тайёргарлик кўрилди. Жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Туркия, Россия каби хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилди. 232 та маълумотларни йиғиш пункти ташкил этилди. Уларга 251 та стационар ва 32 та мобиль қурилма ўрнатилди. Жами 61 миллиард сўмликдан зиёд техник ускуна ва дастурий таъминотлар харид қилинди. Соҳа ходимлари ушбу қурилмалар ва ускуналарни ишлатишга ўргатилди.

Фуқароларга биометрик паспорт расмийлаштириш Тошкент шаҳрида 2011 йилнинг ноябридан бошланди. Кейинроқ Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ушбу жараён босқичма-босқич давом этди. Ҳозирда кекса, ногирон инсонларга биометрик паспортлар уларнинг хонадонига борилиб, мобиль қурилмалар ёрдамида расмийлаштирилмоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда соҳада амалга оширилаётган ишлар ниҳоятда жадаллашди. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам билиб олса бўлади. 2016 йилнинг декабрь ойидан ўтган йилнинг охирларигача давлатимиз раҳбарининг 53 та фармонига асосан, жами 9930 нафар фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинди. Бу кўрсаткич 2019 йилнинг 11 ойи давомида 5928 нафарни ташкил этди.

Президентимизнинг 2017 йил 16 августдаги фармонига мувофиқ, 2019 йилнинг 1 январидан хорижга чиқиш учун рухсат ёзувчи стикери бекор қилиниб, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти жорий қилинди. 2019 йилнинг январидан ноябрига қадар 923838 нафар фуқарога ана шундай паспортлар расмийлаштириб берилди. ИИВ томонидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда фуқаролар ва уларга ҳамроҳлик қилувчи шахсларга зарур ҳолларда хорижга чиқиш биометрик паспортини 5 иш куни ичида расмийлаштириш механизми жорий этилган. Ўтган йилнинг 11 ойи ичида жами 458 нафар фуқарога беш иш куни ичида ушбу намунадаги паспортлар расмийлаштириб берилди.

## ЁЛҒИЗ ОТНИНГ ЧАНГИ ЧИҚМАС

Лавҳамиз қаҳрамонининг фидойиларча хизмати ўзининг муносиб баҳосини топди. У кўп бора ИИВ раҳбарияти томонидан рағбатлантирилган, Ватанимизнинг юксак мукофотлари – «Меҳнат шуҳрати» ордени, «Шуҳрат» медали билан тақдирланган. Яқинда иззат-ҳурмат билан нафақага кузатилди.

Истеъфодаги полковник Бадритдин Шорихсиев узоқ йиллик фаолияти давомида кўплаб шогирдлар тайёрлади. Улардан Улуғбек Тошхўжаев, Нажмиддин Тўрахўжаев, Улуғбек Муҳаммедов, Шухрат Ходжаев, Фахриддин Турсунов ҳозирги кунда масъулиятли лавозимларда ишламоқда.

«Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам доңги чиқмас», дейдилар. Бадритдин ака ҳам ҳамкасблари орасида, раҳбарият олдида қанчалик ҳурмат-эътибор қозонган бўлса, ўзи бошчилик қилган жамоасининг меҳнати, хизмати туфайли, деб ҳисоблайди. Бу инсон билан суҳбатлашиб, унинг умр дафтарини варақлаб, қалбида ўзи талабалик кезларида ўрганган, мафтун бўлган тоғ дарёларининг шиддати борлигини ҳис этдим.

**Бобомурод ТОШЕВ,**
**«Postda» мухбири.**

САРҲИСОБ

# ЖИНОЯТНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШ

## ҳамкорликни тақозо этади

**Бугун кўп миллатли халқимиз ўзаро тотувлик, бунёдкорлик муҳитида эртанги кунга мустаҳкам ишонч ва осойишта ҳаёт учун шукроналик ҳисси билан меҳнат қилмоқда. Албатта, бундай эмин-эркин ва саодатли ҳаётнинг энг асосий омили тинчлик ва осойишталикдир. Уни таъминлашда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари қатори, ички ишлар органларининг ҳам муносиб ўрни бор.**



Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, II даражали «Шон-шараф» ордени соҳиби, полковник **Бахтиёр Ражапов** билан суҳбатимиз шарафли касб эгаларининг якунланган йилда жойларда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқаролар тинчлигини асраш борасидаги фаолияти ҳақида бўлди.

– Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимиз ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш, соҳа фаолиятини такомиллаштириш юзасидан бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, амалиётга жорий этилди. Шу асосда тизимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимларга қулай иш шароитини яратиш, ижтимоий ҳимоялаш борасида ижобий ишлар амалга оширилди. Ўз навбатида, соҳага бўлган талаб ҳам, вазифалар ҳам кучайтирилди.

Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар органлари кенг жамоатчилик ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда тинч-



лик-осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликни жиловлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида сезиларли натижаларга эришмоқда.

Ўтган йилда республикани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жиноятларнинг барвақт олдини олиш мақсадида маҳаллаларнинг ҳар бири бўйича «Йўл харита»си ишлаб чиқилиб, қатор профилактик тадбирлар амалга оширилди. Манзилли ишлар натижасида 556 оиладаги низолар ижобий ҳал қилинди, 338 та нотинч оила яраштирилди. Сектор раҳбарлари иштирокида жойларда 1109 марта жиноятлар муҳокамаси ўтказилди.

Фуқароларда жиноятчиликка муросасизлик туйғусини шакллантириш мақсадида 376 марта сайёр суд ташкил этилди. Республика бўйича 411 та маҳаллада «Жамоатчилик назорат масканлари» ўрнатилиб, уларда «Фидокор ёшлар» патруль гуруҳлари ва жамоатчилик вакилларининг навбатчилиги йўлга қўйилди.



Натижада ўтган йилнинг 11 ойи давомида республикадаги умумий жиноятчилик 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 9,2 фоизга, жиноят-қидирув йўналишидаги жиноятлар 21,6 фоизга камайишига эришилди. Мавжуд 411 та маҳалланинг 182 тасида биронта ҳам жиноят содир этилмади. Қидирувда бўлган шахсларнинг 40 фоизи қўлга олиниб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Тан олиш керакки, умумий жиноятлар сони камайгани билан босқинчилик ва безорилик жиноятлари сони ошган. Шу боис ҳудудларда содир этилган ҳар бир жиноят маҳаллаларда кенг муҳокама этилиб, унга имкон яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

**– Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари олдига жиноятчилик оқибатларини бартараф этиш эмас, балки унинг олдини олиш талаби қўйилмоқда. Мазкур йўналишда қандай ишлар олиб борилмоқда?**

– Сир эмаски, жиноятлар содир этилишининг асосий сабабларидан бири ишсизлик ҳисобланади. Ўтган йили меҳнат ярмаркаларида муқаддам судланган 385 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Гиёҳвандликка мубтало бўлган, спирти ичимликларга ружу қўйган шахсларнинг ҳам 202 нафари ишга жойлаштирилиб, 321 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди. Айримлари мажбурий даволашга ётқизилди.

Яна бир оғриқли масала – жиноятларда аёллар ва ёшлар иштирокидир. Шуни ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир шаҳар-туман ИИБларида хотин-қизлар масалалари бўйича профилактика катта инспектори лавозими ташкил этилгани ижобий самарасини бермоқда. Айнан уларнинг саъй-ҳаракати туфайли республика бўйича хотин-қизлар ўртасидаги жиноятчилик 32,9 фоизга камайди.

Шунингдек, профилактик ҳисобда турган ва тарбияси оғир бўлган 38 нафар ёш иштирокида Шимоли-ғарбий ҳарбий округда ҳамда 27-сонли манзил колониясида ўтказилган тадбирларнинг аҳамияти катта бўлди. Тадбирлар давомида улар бир кун ҳарбий хизматни ўташга жалб этилиб, казармада тунади. Иккинчи куни колонияда жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар ҳаёти билан танишди. Сўнг Нукус шаҳридаги Ёшлар марказида спорт ва тадбиркорлик соҳасида ютуққа эришиб келаётган тенгдошлари билан учрашиб, суҳбатлар ташкил этилди. Бунинг натижаси ўлароқ, мазкур тадбирда иштирок этган тарбияси оғир ёшлар томонидан шу кунга қадар биронта жиноят содир этилмади.

**– Истаймизми-йўқми, бугун ҳар қандай соҳа муваффақияти замонавий технологияларнинг қанчалик самарали қўлланилишига боғлиқ...**

– Тўғри, соҳа фаолиятининг самарадорлигини таъминлашда замонавий технологияларнинг жорий этилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСБ биносида «Вазиятлар маркази» ташкил этилганлигини айтиб ўтиш ўринли бўлади. Ушбу марказга шаҳардаги шоҳкўчалар, истироҳат боғлари, вокзал, бозор, шунингдек, бошқа гавжум жойларга ўрнатилган 266 та видеокузатув камераси уланган. Улар ёрдамида жойлардаги вазиятни онлайн тарзда кузатиб бориш, вазиятга ойдинлик киритиш имкони яратилган. Бундан ташқари, шаҳардаги 10 та «SOS» тезкор алоқа-чақирув тугмаси ҳам марказга уланган.

Жорий этилган замонавий технологиялардан яна бири шаҳардаги Ўзбекистон ва Беруний кўчалари кесишмасида барпо қилинган хавфсиз пиёда йўлакчасидир. Ҳайдовчиларнинг эътиборини қаратиш мақсадида у оқ ва сариқ рангга бўялган. Йўлакчадан 40 метр илгарида катта электрон табло ўрнатилган бўлиб, у ҳайдовчига йўлакчада пиёда ҳаракатланиб бораётганини кўрсатиб огоҳлантиради.

**– Шу ўринда ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

– Республикадаги 384 нафар профилактика инспекторининг 370 нафарига хизмат уйлари, уларнинг ҳар бирига имтиёзли кредит асосида енгил автомашиналар берилди.

Аҳоли сони 8 минг нафардан ортиқ бўлган маҳаллаларда профилактика инспекторлари сонини ошириш мақсадида маҳаллий бюджет ҳисобидан қўшимча 18 та профилактика инспектори штати жорий этилди.

Бундан ташқари, ортда қолган йилда ички ишлар органларига 59 та хизмат автомашинаси берилиб, ёш ходимларга Нукус шаҳридаги кўп қаватли уйлардан 140 та хонадон имтиёзли кредитлар асосида топширилди.

Ходимлар соғлиғини сақлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Тиббиёт бўлимига қарашли госпиталда олиб борилган қурилиш ишлари натижасида бу ерда замон талабига жавоб берадиган 40 ўринли икки қаватли бино қад ростлади. Шунингдек, даволашнинг сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тиббиёт бошқармаси томонидан 120 миллион сўмликдан ортиқ қийматдаги тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Албатта, келгусида мазкур йўналишдаги ишларни давом эттириб, ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни режалаштирганмиз. Зеро, оиласи тинч, кўнгли хотиржам бўлган ходимнинг ишида унум бўлиши аниқ.

Келгуси режаларга тўхталадиган бўлсам, 2019 йилдаги камчиликларга янги йилда йўл қўймасликни, энг асосийси, жиноятларнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларни кенг жамоатчилик билан биргаликда амалга оширишни янада кучайтиришни мақсад қилганмиз. Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳар бир хонадондаги муаммони ўрганиб, уларнинг ечимини топиш, оила-турмуш даражасидаги жиноятлар келиб чиқишига ўрин қолдирмаслик ҳам диққат-эътиборимиздаги асосий масалалар бўлади.

**«Postda» мухбири Азамат ПИРНИЯЗОВ суҳбатлашди.**

ПАТРУЛЬ ШАҲАР КЕЗАДИ

# ОНА ВАТАН ОСОЙИШТАЛИГИ – ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

**ИИВ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси томонидан ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилялти. Жумладан, республикамиз ҳудудида 2019 йилда ўтказилган юз мингдан ортиқ оммавий тадбирда фуқаролар хавфсизлиги ишончли таъминланди. Шу билан бирга, вазиятдан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиздаги барча вилоят марказлари ва йирик шаҳарларда ҳар куни патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ва Миллий гвардия ходимлари ҳамкорликда пиёда ва автопатруль йўналишларига жалб этилмоқда.**



Қурилган чора-тадбирлар натижасида патруль-пост хизмати саф бўлинмалари хизмат ўтайдиган йирик шаҳарларнинг жамоат жойларида содир этилган жиноятлар сони 18,2 фоизга, шу жумладан, қасддан одам ўлдириш 40 фоизга, қасддан баданга оғир шикаст етказиш 9,6 фоизга, ўғрилик 33,4 фоизга, талончилик 15,6 фоизга, босқинчилик эса 30,4 фоизга камайишига эришилди. Жами жиноятларнинг 3700 га яқини ППХ саф бўлинмалари нарядлари иштирокида, 529 таси эса бевосита соҳа ходимлари томонидан фош этилди. Шунингдек, 1300 дан зиёд жиноятнинг олди олиниб, 611 нафар қидирувда бўлган ҳамда 135 нафар бедарак йўқолган шахс аниқланди.

ППХ саф бўлинмалари нарядлари томонидан жамоат жойларида ҳуқуқбузарлик содир этганлиги ёки шубҳа уйғотганлиги учун 1 миллион 720 мингдан ортиқ шахс ички ишлар органлари ва таянч пунктларига, ғайриижтимоий ҳаёт тарзини кечирувчи шахслар эса тери-таносил касалликлари диспансерларига олиб борилди. Ички ишлар органларининг профилактик ҳисобида турувчи 25 мингдан ортиқ, маъмурий назорат остида бўлган 16 мингдан зиёд ҳамда ов қуролига эга бўлган 4700 нафардан зиёд шахс профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда текшириб чиқилди.

Бундан ташқари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, солиқ ва санитария-эпидемиология хизматлари билан ҳамкорликда ўтказилган рейдлар ҳамда мақсадли текширувлар натижасида ноқонуний равишда ҳайвон овлагани учун 57 нафар, балиқ овлагани учун 247 нафар, дарахт кесганлиги учун 847 нафар, тақиқланган ҳудудда ўқотар қурол билан юрганлиги учун 29 нафар қонунбузарга нисбатан турли даражадаги таъсир чоралари кўрилди.



Масалан, ўтган йили 14 декабрь куни осойишталик посбонлари томонидан пойтахтимиздаги «Чилонзор» буюм бозори ёнидаги «Дўстлик бозори» автотурарғоҳидаги «Исузу» русумли автомашинанинг юкхонасида катта миқдордаги пиротехника воситалари борлиги аниқланиб, ушбу жиноят «иссиқ изида» фош этилди.

– Бундан ташқари, муайян яшаш жойига эга бўлмаган 9150 нафардан ортиқ шахсдан 144 нафари қидирувда бўлган шахслар эканлиги аниқланиб, аввал содир этилган 168 та жиноят фош қилинди, – дейди ИИВ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси бошлиғи, полковник Бекмурод Абдуллаев. – Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида 15 нафар шахс «Саховат» ва «Мурувват» уйларига жойлаштирилган бўлса, 320 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Шунингдек, хизмат итлари ёрдамида 2100 га яқин жиноят фош этилди. Жойлардаги карантин тадбирларини таъминлаш бўлинмалари ҳудудий ветеринария хизматлари билан ҳамкорликда 11900 га яқин ўта юқумли касалликнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбир ўтказилди. Мазкур тадбирлар давомида катта миқдордаги истеъмолга яроқсиз бўлган гўшт ва сут маҳсулотлари олиб қўйилиб, ветеринария-санитария тартиб-қоидаларини бузган 12 мингдан ортиқ шахс жаримага тортилди.

Шу билан бирга, радио, телевидение ва матбуотда одамлар ва ҳайвонлар учун ўта хавфли бўлган юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш ишларини тарғиб қилишга оид 560 га яқин чиқишлар қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур соҳа ходимлари ўтган йил мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларни «иссиқ изида» фош этиш ҳамда тинчлик-осойишталикни таъминлашга муносиб ҳисса қўшишди.

**Михли САФАРОВ,**
**катта лейтенант.**



*Масалан, ўтган йили 14 декабрь куни осойишталик посбонлари томонидан пойтахтимиздаги «Чилонзор» буюм бозори ёнидаги «Дўстлик бозори» автотурарғоҳидаги «Исузу» русумли автомашинанинг юкхонасида катта миқдордаги пиротехника воситалари борлиги аниқланиб, ушбу жиноят «иссиқ изида» фош этилди.*

БЕЗОПАСНЫЙ РЕГИОН

# Довольны и горожане, и гости

***Жемчужины долины – Фергана и древний Маргилан привлекают к себе все больше гостей***






В этих городах, на мобильных постах, оснащенных современными средствами связи и техникой, служат активные и энергичные сотрудники ППС, обеспечивая безопасность иностранных и внутренних туристов.

– Я модельер, в Узбекистан приезжаю не первый раз, – говорит гостья из Народной Республики Бангладеш госпожа Биби Рассел. – Фергана и Маргилан очень красивые города. Я увлекаюсь народными ремеслами. Ваши мастера работают с натуральными адрасом и атласом, которые мне очень нравятся. Я спокойно гуляю по городу, осматриваю достопримечательности. Планирую приехать сюда снова.

Подобные отзывы можно услышать и от других гостей долины. Они – оценка работы сотрудников батальона №1 УППСиООП УВД Ферганской области.

Согласно концепции «Безопасный регион», в целях предупреждения случаев преступности и правонарушений, обеспечения безопасности туристов и населения разработан План единого размещения, последовательно внедряемый в практику. Стражи порядка совместно с военнослужащими Национальной гвардии в дневное, вечернее и ночное время несут службу, в результате чего уменьшается число правонарушений.

**Б. БАБАХАДЖАЕВ,**
**подполковник.**
**А. СИДИКОВ,**
**корреспондент «Postda».**
*Ферганская область.*

ВОПРОСНИК

# ЛИТЕРАТУРА, ИСКУССТВО, ТУРИЗМ

**Три вопроса сотруднику органов внутренних дел:**
*1. Какую книгу вы прочитали?*
*2. Как давно посещали театр?*
*3. Какую достопримечательность страны посетили недавно?*



**Леонора ИСАКОВА, начальник следственного отделения ОВД № 3 УКД ОВД Чиланзарского района города Ташкента, подполковник:**

1. Я большая поклонница восточной поэзии. С огромным удовольствием вновь перечитала любимые произведения великого Алишера Навои. Его газели, рубаи, поэмы поражают философской глубиной, в них воспеваются общечеловеческие ценности, идеи справедливости, добра и гуманизма, а бессмертные образы Фархада и Ширин, Лейли и Меджнуна восхищают и вдохновляют.

2. Не так давно с сыном посетили Государственный молодежный театр Узбекистана, смотрели спектакль «Алые паруса», созданный по мотивам одноименного произведения Александра Грина. Прекрасная игра актеров передала глубокие чувства героев. Спектакль, в котором переплетаются мечта и реальность, призывает нас не терять «солнце» в своих сердцах, веру в Алые паруса. Задумка режиссера Камиллы Абдурахмановой удалась, о чем свидетельствовали бурные аплодисменты благодарных зрителей.

3. Честно признаюсь, не всегда удается выкроить время на длительные поездки. Но если появляется такая возможность, стараюсь выезжать на экскурсии с близкими. Из последних «путешествий» могу отметить поездку на Чарвакское водохранилище – к бирюзовому чуду, расположенному в часе езды от Ташкента. Озеро питают воды трех бурных горных рек – Чаткала, Пскема и Коксу. Водохранилище окружено горами, увенчанными снежными шапками. Потрясающе красивое место.

НИКТО НЕ ЗАБЫТ, НИЧТО НЕ ЗАБЫТО

# «ДОРОГА ПАМЯТИ»

**В эти дни в честь предстоящего 75-летия Победы в Узбекистане проходит акция «Дорога памяти». Среди приглашенных гостей – российские дипломаты и военные атташе**

В Андижане, на кладбище «Садовое» есть братская могила, здесь похоронены десятки солдат, умерших в госпиталях Андижана в военное лихолетье.

На мероприятие, организованное в рамках акции «Дорога памяти», были приглашены ветераны труда, воины-интернационалисты. Духовой оркестр Андижанского военного гарнизона исполнял траурные мелодии. У пожилых людей на глазах виднелись слезы.

Атташе по вопросам обороны при Посольстве Российской Федерации полковник Александр Земзеров возложил корзину с цветами к подножию обелиска, установленного на братской могиле.

Обращаясь к собравшимся, он сказал, что в Узбекистане есть 18 братских захоронений, в которых покоится прах солдат и офицеров. Капсулы с землей с братских могил будут размещены на





территории мемориального комплекса Главного храма Вооруженных сил России.

Землю набрали сотрудники Посольства России в Узбекистане и представительства Министерства обороны Российской Федерации по военно-мемориальной работе с согласия властей республики.

Главный храм Вооруженных сил РФ, или, как его еще называют, храм Победы будет торжественно открыт 9 мая 2020 года в подмосковном парке «Патриот».

– Акция «Дорога памяти» – значимое событие, – делится своим мнением председатель Совета ветеранов УВД Андижанской области подполковник в отставке Турсунбай Рустамов. – Это память о тысячах, оставшихся на полях сражений. Каждая узбекская семья в годы Второй мировой войны потеряла кого-то из родственников. В нашей стране большими тиражами печатается «Книга памяти», в которую внесены имена наших земляков, погибших или пропавших без вести.

Герои Второй мировой войны навсегда останутся в наших памяти и сердцах. Они – вечное напоминание о том, что мир на земле нужно отстаивать.

**Б. КЛЕЙМАН,**
**корреспондент «На посту».**
***На снимках:*** *моменты акции «Дорога памяти».*
**Фото автора.**
*Андижанская область.*

СЛУЖБА РОДИНЕ – ВЫСШАЯ ЦЕННОСТЬ

# ПРОФЕССИОНАЛ СВОЕГО ДЕЛА

**Предупреждение правонарушений, соблюдение законности и служебной дисциплины, своевременное выявление совершенных противоправных действий – основные задачи, стоящие перед заместителями начальников по воспитательной работе с личным составом. Эту ответственную миссию на протяжении последних десяти лет успешно выполняет заместитель начальника по воспитательной работе с личным составом ОВД г. Каттакургана подполковник Бахромжон Икрамов**



После окончания школы юный Бахромжон поступил на исторический факультет ТашГУ (ныне НУУз).

– Резко поменять судьбу мне «помог» брат, Алишер, который в то время служил в органах внутренних дел, – говорит Бахромжон Актамович. – Увидев брата в форме и услышав его рассказы о первом дежурстве и задержании опасного рецидивиста, я понял: это то, к чему стремился все эти годы. С тех пор ни разу не пожалел, что выбрал стезю служения Родине, которое стало смыслом жизни, моральным кодексом, помогающим правильно оценивать мысли и поступки людей, быть готовым помочь новичку, выбравшему сложную, но благородную профессию.

Службу в органах внутренних дел Бахромжон Актамович начал в 2000 году, в отделе охраны общественного порядка ОВД г. Каттакургана, в должности старшего инспектора.

Спустя два года сотрудника, проявившего себя с самой лучшей стороны, перевели в паспортный отдел того же ГОВД, а через время он стал начальником этого подразделения.

Затем Бахромжон Актамович работал на ответственных должностях в Каттакурганском и Иштыханском районах, в отделе кадров… Куда бы ни направляла его судьба, он везде проявлял недюжие способности, обучая молодые кадры, служа любимому делу, которому отдал лучшие годы жизни.

– Я всем обязан своим наставникам – подполковнику Азату Абдукарову, капитану Холмуроду Ахмедову и многим другим, на протяжении службы поддерживавшим мудрым советом, словом и делом, – говорит наш собеседник. – Во многом мне помогло увлечение спортом, без которого я себя не мыслю. В настоящее время более 70 процентов нашего личного состава – молодые люди. Они, как и я в свое время, нуждаются в отеческой заботе и мудром совете.

Труд подполковника Бахромжона Икрамова не остался незамеченным. За хорошую работу он не раз поощрялся руководством, в том числе нагрудным знаком «Аъло хизматлари учун» («За отличную службу»).

Таких людей, как Бахромжон Икрамов, в рядах органов внутренних дел немало. Все они служат людям, охраняя их мирный труд и спокойствие.

**З. БАЛТАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
*Самаркандская область.*

14 ЯНВАРЯ – ДЕНЬ ЗАЩИТНИКОВ РОДИНЫ

# БДИТЕЛЬНЫЕ ВОИНЫ

**29 декабря 1993 года Верховный Совет Республики Узбекистан принял решение о праздновании 14 января – Дня защитников Родины – одного из главных праздников нашей страны**

Значим этот день не только для солдат, офицеров и курсантов, но и для каждого мужчины, парня, мальчика. Все они – в настоящем, будущем или прошлом – защитники родной и любимой Отчизны.

В эти дни по всей стране проходят праздничные концерты, военные фестивали, торжественные возложения цветов к памятникам известных военачальников и полководцев.

Мы побывали в войсковой части №7554 Главного управления Караульных войск МВД, расквартированной в Андижане, где встретились с командиром части подполковником Эргашбаем Турабаевым, его заместителями – подполковником Суннатом Каримовым и капитаном Нодирбеком Ибрагимовым.

Вместе с командиром части подполковником Э. Турабаевым осмотрели территорию войсковой части, побывали в зале для проведения занятий по духовности и просвещению, учебных классах, спортивном зале, побеседовали с военнослужащими.

– Личный состав подразделения выполняет ответственные задачи по охране вверенных объектов, – рассказывает подполковник Э. Турабаев. – Военнослужащие несут службу бдительно. Каждый солдат и офицер понимает, что от него зависит общественная безопасность.



В подразделении для военнослужащих создаются достойные условия. Особое значение имеет обеспечение семей военнослужащих благоустроенным жильем. За последние годы 14 военнослужащих получили безвозмездную ссуду для приобретения коттеджей. В марте 2020 года, к празднику Навруз намечена сдача в эксплуатацию 48-квартирного 4-этажного дома. Нуждающиеся в жилье воины получат 2-3-комнатные квартиры. Осенью 2019 года в Алтынкульском районе было выделено 6 гектаров пахотных угодий. Большая часть была засеяна озимой пшеницей. Весной будут разбиты грядки и высажен фруктовый сад. Выращенные фрукты и овощи будут реализовываться семьям военнослужащих.

Воины батальона – активные участники спортивных мероприятий, проводимых среди сотрудников силовых структур. Они часто становятся победителями.

Традицией стало посещение Кургантепинского детского дома-интерната для детей с ограниченными возможностями. Воины также частые гости дома-интерната для инвалидов и престарелых «Саховат». Посещают военнослужащие и семью старшего лейтенанта Абдуманнопа Бекмирзаева, скончавшегося в 2016 году.

В подразделении наравне с мужчинами служат представительницы прекрасного пола. Младший сержант Ойзода Ахмедова – делопроизводитель канцелярии, а сержант медицинской службы Дилором Низомова работает фельдшером в медицинском пункте части.

Современный представитель Вооруженных Сил Узбекистана – это военнослужащий, имеющий разносторонние знания, преданный Родине, обладающий сильной волей и твердой готовностью исполнить свой воинский долг.

В любые времена защита Родины, Отечества была, есть и будет священным долгом каждого гражданина.

**Б. КЛЕЙМАН,**
**корреспондент**
**«На посту».**

***На снимке:*** *воины боевой группы войсковой части 7554 ГУК Караульных войск МВД – рядовые Д. Кодиров, Б. Эркабаев и сержант М. Ибрагимов.*

**Фото автора.**
*Андижанская область.*

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН

# ТАРИХИ ҚОН БИЛАН ЁЗИЛГАН

**«Терроризм» тушунчасига турли таърифлар берилган. Масалан, Франция Фанлар академияси томонидан XVIII асрда чоп этилган луғатда терроризм «қўрқитиш тизими» деб тавсифланади. Айрим манбаларда терроризмга «қўрқитиш сиёсати» дея нисбат берилади. Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунида эса унга: «Сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар», – дея таъкидланади.**




Кўриниб турибдики, террор ва зўравонлик, қўрқитиш эгизак тушунчалардир. Одамларни қўрқитишдан мақсад эса жамиятда ваҳима ва саросима, парокандалик ва беқарорлик келтириб чиқаришдир. Демак, аҳолида зўравонлик олдида ҳимоясизлик ҳиссини туғдириш терроризмнинг асосий хусусиятидир.

Террорчилик қурол сотиш, наркобизнесни ривожлантириш, конституциявий тузумни ағдариш ва бошқа тубан мақсадларга эришиш учун турли шафқатсиз жиноий йўллар ва усуллардан фойдаланишни зарур ва жоиз деб биладиган кимсалар ва ташкилотларнинг йўл-йўриғидан иборат. Террорчилик ҳеч қачон эзгуликка қаратилган эмас, аксинча, ҳар доим диний ва инсоний меъёрлар, умуминсоний қадриятлар ва ахлоқий фазилатларга қарши ишлатилганлиги учун ўта оғир ва ваҳшиёна жиноят ҳисобланган. Бир сўз билан айтганда, унинг тарихи қон билан ёзилган. Террорчилик дин, миллат, элат ва чегара билмайди. Энг ваҳший, маданиятсиз ва инсоний хислатларини йўқотган ашаддий жиноятчилар бу қабиҳ ишга қўл уради.

Терроризм узоқ ўтмишга эга бўлиб, сон-саноқсиз бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлган. Шарқу ғарбнинг бир қатор машҳур шахслари, йирик олимлар ва давлат арбоблари унинг қурбонига айланган.

2001 йил 11 сентябрь куни АҚШда содир этилган қонли ва ваҳшиёна фожиа олти мингдан ортиқ бегуноҳ инсон ҳаётига зомин бўлди. Бу жаҳон тарихида мисли кўрилмаган жирканч жиноят сифатида террорчилик бутун инсониятга қарши, чидаб ва муроса қилиб бўлмайдиган хатар манбаига айланганлигини амалда исботлаб берди. Қолаверса, халқимиз ҳам терроризм хуружларини ўз бошидан кечирди, унинг одамларга қандай ғам-ташвиш келтиришини яхши билади. Мамлакатимиз ушбу бало-қазога қарши курашиш борасида муайян тажрибага эга.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, халқаро терроризмни террорчиликнинг қандайдир алоҳида тури деб тушунмаслик керак. Бирон-бир давлатдаги террорчиларнинг ўз ҳаракатларини ушбу давлат ҳудудидан ташқарига чиқиб давом эттириши деб қаралса, халқаро террорчилик атамасига юридик жиҳатдан тўғри баҳо берилган бўлади.

Ҳозирги кунда террорчилик миқёсининг кенгайиш хавфи янада яққолроқ кўзга ташланмоқда. Баъзи бир маълумотларга кўра, террорчилар кимёвий ва биологик қуроллардан ҳам жиноий мақсадларини амалга оширишда фойдаланишга уринишмоқда. Шунингдек, ушбу кимсалар тўғридан-тўғри инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига таъсир этмаган ҳолда, компьютер тармоқларидан ҳам жиноий қилмишлари йўлида фойдаланаётгани маълум.

2000 йилнинг 15 декабридаги «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги ҳамда 2006 йилнинг 1 январидан амалга киритилган «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари мамлакатимизда давлат идоралари, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва бошқа тузилмаларнинг террорчиликка қарши курашдаги фаолиятини давр талаби даражасига кўтаришда, уларнинг бу борадаги имкониятлардан самаралироқ фойдаланишда, мазкур турдаги жиноятларнинг Ўзбекистон давлати ҳудудида илдиз отишининг олдини олишда, минтақа хавфсизлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг террорчиликни бартараф этиш билан боғлиқ фаолияти унинг ҳар қандай кўринишига зарба бериш, уни қўллаб-қувватлаётган давлатларга қарши жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда чора кўриш, халқаро террорчиларни жазолаш механизмидан тўлиқ фойдаланиш ва унга қарши курашда бошқа давлатларга кўмаклашиш каби тамойиллар асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, бу борада халқаро миқёсда аниқ чора-тадбирлар белгиланмас экан, самарали натижаларга эришиб бўлмайди.

**Нодирбек ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Ғиждувон тумани ИИОФМБ тезкор вакили, лейтенант.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

# КИТОБ – ЭЗГУЛИК УММОНИ

**Ходимлар ўртасида китоб мутолаасини кенг тарғиб қилиш йўли билан уларнинг маънавиятини оширишда Фарғона вилоят ИИБ томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

Жумладан, вилоят ИИБ биносида шинам кутубхона ташкил этилиб, унда энг сара ижтимоий-сиёсий, илмий ва бадиий адабиётлар жамланган. Ходимлар ишдан бўш вақтларида кутубхонага ташриф буюриб, ўзларига зарур адабиётларни бемалол олиб ўқишмоқда. Бундан ташқари, Кадрлар бошқармаси ташаббуси билан китоб ярмаркаларини ўтказиш ҳам анъанага айланган.

Ходимлар орасида китобхонлик тарғиботини янада кучайтириш мақсадида ташкил этилган навбатдаги китоб ярмаркаси бунга мисолдир. Унда арзонлаштирилган китоб савдоси йўлга қўйилди. Ходимлар шу куни ярмаркадан ўзлари ва фарзандлари учун зарур адабиётларни сотиб олишди.



– Бу галги ярмарканинг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда нафақат бадиий адабиётлар, балки ички ишлар органлари фаолиятига оид китоблар, қонун ва қонун ости ҳужжатларининг янги нашрлари ҳам тақдим қилинди, – дейди вилоят ИИБ Кадрлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, подполковник Абзалхон Фозилхўжаев. – Мазкур китоблар соҳа ходимларининг янги қонунчилик нормалари билан ўз вақтида танишиб боришларини таъминлаб, сиёсий билимларини бойитишга хизмат қилади.

– Китоб ярмаркасидан бир нечта адабиётларни сотиб олдим, – дейди катта лейтенант Шуҳрат Райимбердиев. – Кўпдан бери ахтариб юрган китобларимнинг ярмаркада борлиги мени жуда қувонтирди.

**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Фарғона вилояти.*

ХОДИМНИНГ БИР КУНИ

# ТАРҒИБОТНИНГ ТАЪСИРИ БОР

**Эрталабки йўриқнома тугагач, вилоят ИИБ ЙҲХБ ЙПХ отряди 4-сафарбарлик гуруҳи инспектори, сафдор Дониёр Эгамов Боғот туманининг Деҳқонбозор қишлоғи ҳудудидан ўтувчи 4Р 156-автомобиль йўлининг 36-километрига етиб келди. Халқаро аҳамиятга эга бўлган ушбу автомобиль йўли транспорт воситаларининг серқатновлиги билан ажралиб туради. Қолаверса, йўлнинг ҳар икки томонида умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари жойлашган. Ҳар куни юзлаб ўқувчилар, ота-оналар ушбу серқатнов йўлнинг пиёдалар ўтиш жойидан мактабга, болалар боғчасига боришади.**



ЙПХ инспектори тезда хизматга киришди. Ҳали қуёш ётоғидан бош кўтармасданоқ, пиёдалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишини назорат қила бошлади. Пиёдаларни ўтказмасдан ҳаракатни давом эттирган уч нафар қоидабузар ҳайдовчига нисбатан баённома расмийлаштирди. Шундан сўнг кундалик иш режасига мувофиқ, тумандаги 30-умумтаълим мактабининг 4 ҳамда 5-синф ўқувчиларига йўл ҳаракати қоидалари бўйича тушунтиришлар берди.

Учрашув якунлангач, ЙПХ инспектори яна белгиланган ҳудудга қайтиб, хизмат фаолиятини давом эттирди. Мазкур ҳудудда автомашиналарнинг ҳаракат тезлиги чекланган бўлишига қарамай, баъзи ҳайдовчилар меъёр талабларини унутишади. Қоида бузилдими, ҳайдовчи белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши шарт. Хуллас, бу сафар ҳам қоидабузар ҳайдовчилар инспектор назаридан четда қолмади.

Таълим муассасаларида машғулотлар тугагач, ЙПХ инспектори яна ўқувчиларнинг серқатнов йўлдан хавфсиз ўтиб олишини назорат қилиб турди. Бунда унга Ёш автоинспекторлар гуруҳининг фаол ўқувчилари ёрдам беришди.

Тушдан сўнг тумандаги «Намуна» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Худойшукур Раҳимов ЙПХ инспекторига қўнғироқ қилиб, тўрт нафар ўсмир маҳалла ҳудудида автомашина бошқараётгани, ота-оналар фарзандларининг бу ишига бефарқ муносабатда бўлаётганидан шикоят қилди. Кейин соат 15:00 да маҳалла фуқаролар йиғини биносида ота-оналар, ўқитувчилар ҳамда қоидабузарлар иштирокида йиғилиш ўтказмоқчи эканлигини айтиб, уни ҳам таклиф қилди. ЙПХ инспектори оқсоқолнинг ўринли фикрини маъқуллади ва белгиланган вақтда маҳалла фуқаролар йиғини биносига етиб келди. Бу ерда ўзбошимчалик билан автомашина бошқарган ўсмирларнинг қилмиши муҳокама қилинди. Ота-оналар, ўқитувчилар маҳалла фаолларининг фикр-мулоҳазалари тингланди. Болаларнинг бебошлигига ота-оналарнинг эътиборсизлиги сабаб бўлаётгани таъкидланди. Йиғилишда сўзга чиққан ЙПХ инспектори ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмасдан туриб, автомашина бошқариш мумкин эмаслиги, бундай ҳолатлар кўнгилсиз оқибатларга олиб келишини ҳаётий воқеалар мисолида тушунтириб берди. Агарда ушбу ўсмир ёшлар яна автомашина бошқаришни давом эттирадиган бўлса, белгиланган тартибда қатъий чоралар кўришини айтиб, уларни огоҳлантирди.

Йиғилиш тугагач, ЙПХ инспектори, сафдор Дониёр Эгамов бириктирилган ҳудудлардаги автомобиль йўллари ва йўл белгиларининг ҳолатини кўздан кечириб чиқди. Айниқса, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллардаги кўприкларнинг айни кундаги аҳволи эътибордан четда қолмади. Қораёнтоқ ҳамда Ўғизработ қишлоқлари туташган ҳудуддаги автомобиль кўпригининг жиддий таъмирга муҳтож эканлигини кўриб, бу ҳақда гуруҳ командирига ахборот берди.

Шундан сўнг Деҳқонбозор, Қораёнтоқ ҳамда Ўғизработ қишлоқлари ҳудудида йўловчи ташиш билан шуғулланувчи ҳайдовчилар билан «Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги» бўйича тарғибот тадбири ўтказилди. Қиш фаслининг ёғин-сочинли, йўллар музлаб қолган пайтларида автомобилни эҳтиёткорлик билан бошқаришини, ниҳоятда ҳушёр ва эътиборли бўлишни алоҳида таъкидлади. Ҳайдовчилар фикрини, таклиф ва истакларини диққат билан тинглади, уларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Кечки пайт йўлларда автомобиль бошқараётган ҳайдовчилар янада ҳушёр бўлиши, белгиланган тезликка қатъий риоя этиши, ёритувчи чироқлардан қоидаларда белгиланган тартибда фойдаланиши лозим. Шу боис ЙПХ инспектори кечки пайтда автомобиллар ҳаракатини янада диққат билан назоратга олди.

Ниҳоят, ЙПХ инспекторининг яна бир куни ортда қолди. Кундалик режадаги ишлар деярли бажарилди. Йўл ҳаракати қоидаларини бузган 11 нафар ҳайдовчига нисбатан белгиланган тартибда баённома расмийлаштирилди. Энг асосийси, бириктирилган ҳудудда биророта йўл-транспорт ҳодисаси содир этилмади.

Саккиз йилдирки, ички ишлар органларида самарали хизмат қилаётган қаҳрамонимиз бугунги кун сарҳисоби бўйича гуруҳ командирига ахборот бериб, уйига отланди.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

**Суратда:** *ЙПХ инспектори, сафдор Дониёр Эгамов хизмат пайтида.*
**Муаллиф олган сурат.**

СПОРТ

# ИИВ ЖАМОАСИ БИРИНЧИ ЎРИНДА

**ИИВ «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида Миллий гвардия «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгашининг 28-спартакиадасидан ўрин олган самбо бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўртасида мусобақа бўлиб ўтди.**



Унда ИИВ марказий аппарати, Давлат хавфсизлиги хизмати, Миллий гвардия, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлиги хизмати, ДХХ Чегара қўшинлари, Миллий гвардия Ҳарбий техника институти, ИИВ Қоровул қўшинлари бош бошқармаси, ИИВ Академияси, Тошкент шаҳар ва пойтахт вилояти ИИББларидан иборат 10 та жамоа вакиллари ўзаро куч синашди.

Рақибларига қараганда фаол иштирок этган ИИВ марказий аппарати жамоаси барча вазн тоифасида юқори натижаларни қўлга киритди. Энг асосийси, вазирлик шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун гиламга чиққан етти нафар спортчининг ҳаммаси зафар қучди. Кичик сержантлар Ибодулла Отабоев, Азизбек Ражабов ва Нурбек Тўраев олтин, кичик сержант Шермуҳаммад Жандиров ва сафдор Ботир Холёров кумуш ҳамда лейтенант Шерзод Расулов ва кичик сержант Нуриддин Тилаволдиев бронза медалига лойиқ топилиб, вакилларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Миллий гвардия ва Давлат хавфсизлиги хизмати терма жамоалари эса иккинчи ва учинчи поғоналарни забт этишди.

– Машғулотлардаги саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини берди, – дейди ИИВ терма жамоаси мураббийи, майор Дамир Мухидов. – Шу боисдан ҳам ишончли ғалабага эришдик.

Мусобақа якунида ғолибларга диплом, медаль ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

**Шерзод ДЕКАНБАЕВ,**
**капитан.**
**Муаллиф олган сурат.**

МЕРОПРИЯТИЕ

# Визит друзей

**В настоящее время в Муйнакском районе Республики Каракалпакстан происходят большие перемены. Это результат особого внимания, уделяемого государством данному региону**





По инициативе руководителя третьего сектора Республики Каракалпакстан – министра внутренних дел РК полковника А.Темирханова 29 декабря прошлого года юноши и девушки Бузатауского района посетили с экскурсией Муйнакский район.

Молодежь ознакомилась с сооружениями, возведенными за последние три года, с условиями, созданными для подрастающего поколения, посетила Музей Аральского моря, узнала о роли, которую играло море в жизни населения района.

– Эта экскурсия стала настоящим подарком к Новому году. Я расскажу об увиденном своим друзьям. Хочу выразить огромную благодарность организаторам мероприятия, – поделилась учащаяся школы №11 Бузатауского района Нелуфар Уразбоева.

**Соб. корр.**
*Республика Каракалпакстан.*



ОТГОЛОСКИ ПРАЗДНИКА

# Здравствуй, Дедушка Мороз!

**В преддверии Нового года в подразделениях Главного управления войск МВД по обеспечению безопасности в международных аэропортах проводились детские утренники**



Для детей военнослужащих войсковой части 7255, где командиром является майор Анвар Мамиров, устроили настоящий праздник.

– Поздравляю вас с волшебным и сказочным Новым годом! Пусть каждому он принесет что-то хорошее. Уверен, что этот год обязательно станет добрым, радостным и счастливым. Хочу пожелать всем крепкого здоровья, удачи, исполнения желаний! – сказал майор А. Мамиров, обращаясь к детям.

Поздравили присутствующих с праздником сказочные персонажи – символ наступающего года Мышонок, а также Баба Яга, Колдунья и, конечно же, любимые всеми Дед Мороз и Снегурочка, которых сыграли актеры областного кукольного театра. Ребята вместе с героями сказок «зажгли» новогоднюю елку и с большим удовольствием водили хороводы вокруг лесной красавицы.

В актовом зале подразделения царила праздничная атмосфера. Более 250 детей участвовали в играх и конкурсах, читали стихи, отгадывали загадки, помогая героям расколдовать Снегурочку. Каждому участнику подарили сладкие подарки. Новогодние хороводы у елки и театрализованное представление помогли детворе поверить в чудеса и волшебство.

Самые маленькие увлеченно смотрели мультфильмы, а любители фотографироваться – делали снимки на память в специально оборудованном фотоуголке «Новогодняя ночь».

В заключение праздника детишки получили подарки от Деда Мороза и Снегурочки.

Не забыли и о военнослужащих подразделения. Для них организовали книжную ярмарку, на которой были представлены произведения узбекских, русских писателей, книги классиков мировой литературы, а также сказки, стихи, раскраски для детей.

**Б. КЛЕЙМАН,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото автора.**
*Андижанская область.*

СЛУЖБА ПРОБАЦИИ

# ВЕРНУТЬ ОСТУПИВШИХСЯ В ОБЩЕСТВО

**По инициативе руководства УВД Кашкадарьинской области в отделе пробации состоялось мероприятие «Ижро», на котором присутствовали ранее судимые и находящиеся на учете лица, члены их семей, а также представители областных прокуратуры, суда, Союза молодежи, совета по координации органов самоуправления граждан, Центра социальной адаптации, районных и городских центров содействия занятости, религиозных организаций, средств массовой информации**

Основное внимание уделялось перевоспитанию лиц, состоящих на учете в группе пробации УВД области, обеспечению их работой, предупреждению повторного совершения ими преступлений. 61 человек, непреднамеренно преступивший закон, осознавший свои ошибки, соблюдающий установленные правила, честно работающий во благо Родины и семьи, получил условно-досрочное освобождение.

Мера пресечения для 20 подконтрольных лиц, нарушивших требования действующего законодательства, по решению суда по уголовным делам была заменена на различные сроки лишения свободы. К примеру, два человека, находившихся на учете группы пробации Нишанского РОВД, регулярно нарушали порядок и установленные правила, не занимались полезным трудом, в связи с чем были лишены свободы.

Участникам мероприятия пояснили, что подконтрольные лица не только могут пользоваться удобствами, создаваемыми государством для народа, но, как и все добропорядочные граждане, должны своим честным трудом вносить вклад в развитие страны.

На мероприятии было сказано, что актуальными вопросами сегодняшнего дня являются профилактика преступлений лицами, состоящими на учете, обеспечение их работой. Свой вклад в это дело должны вносить активисты махалли, представители широкой общественности.

В завершение совещания сотрудники отдела пробации УВД Кашкадарьинской области совместно с представителями центров содействия занятости городов и районов провели ярмарку вакансий.

**Б. РАДЖАБОВ,**
**старший лейтенант.**
**С. РАХИМОВ.**
*Кашкадарьинская область.*

МУЗЫКА ВОЕННЫХ ОРКЕСТРОВ

# УКРАСИЛИ ПРАЗДНИК

**Новый год – с детства любимый всеми чудесный, замечательный праздник, который никогда и никого не оставлял безучастным и равнодушным. Каждый из нас в преддверии этого уютного и поистине волшебного праздника немного ощущает себя ребенком, очутившимся в сказочном царстве, где сбываются самые заветные желания и мечты**

Новый год встретили в г. Ташкенте, как, впрочем, и по всей стране, красиво и красочно. Повсюду искристо и разноцветно сверкают гирлянды, иллюминации, словно модницы, красуются своими нарядами новогодние елки, люди гуляют, веселятся. Слышны смех, поздравления, добрые пожелания. Что и говорить, Новый год – это праздник для всех поколений.

В прекрасное настроение столичных жителей внесли свои, поособому одухотворенные и веселые нотки музыканты Отдельного образцово-показательного оркестра МВД Республики Узбекистан. Ни для кого не секрет, что сей прославленный оркестр известен далеко за рубежом, а уж в нашей стране его поклонников и почитателей – великое множество! Согласно утвержденному Плану проведения мероприятий, Отдельный образцово-показательный оркестр МВД организовал для жителей столицы целый ряд замечательных, красочных музыкальных представлений. Вот названия некоторых из площадок, где прошли музыкальные представления: Tashkent City, станции метро столицы, «Узбекгосцирк», многофункциональный спортивно-развлекательный комплекс и ледовый дворец «Хумо Арена», столичные парки культуры и отдыха и многие-многие другие.

Представьте себе, уважаемые читатели, – музыканты оркестра, как всегда нарядные, что называется, при параде, исполняют новогодние, классические и национальные композиции, джазовую и эстрадную музыку и, конечно же, марши, устраивая для многочисленных зрителей дефиле. И как всегда на высоте профессионализм музыкантов, виртуозное исполнение, в немалой степени подкрепленное отличным праздничным настроением.

Следует отметить, что зрителей в эти праздничные дни особенно много. На концертных площадках – взрослые и дети. Родители держат на руках радостных малышей, все вокруг сверкает и светится, создавая атмосферу новогоднего волшебства.

В январе 2020 года оркестр планирует проведение множества концертов, которые пройдут на столичных площадках. Так пусть же наступивший год пройдет под знаком удачи, веселья и хорошего настроения, которое нам дарят музыканты!

**Г. ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото С. ХАКИМОВА.**













ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ

# ХИЗМАТИ БАРЧАГА ИБРАТ

**Жаннатмонанд юртимиз тинчлик-осойишталигини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш йўлида куну тун хизмат олиб бораётган ички ишлар органлари ходимларининг эришаётган ютуқларида кексалик гаштини сураётган фахрийларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Чунки уларнинг ҳаёт йўли ибрат мактаби, маслаҳатлари, панду насиҳатлари эса хизматга эндигина кириб келган ёш ходимларга йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади. Мақоламиз қаҳрамони истеъфодаги подполковник Зиёвитдин Наджимов ҳам ана шундай инсонлардан бири. У узоқ йиллар мобайнида Тошкент вилояти ИИБнинг ўша пайтдаги давлат мулкининг талон-торож қилинишига қарши курашиш бўлимида самарали фаолият кўрсатган.**



– Касбимга доимо ҳаётимнинг асосий мезони сифатида қараганман, – дейди З. Наджимов. – Шу сабабли ҳам хизмат фаолиятимда нимагаки эришган бўлсам, барчасини машаққатли меҳнатим орқасидан қўлга киритдим.

Зиёвитдин ака Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги оддий оилаларнинг бирида дунёга келди. Падари бузруквори Нажмиддин ота ва онаси Ҳурихон ая саккиз фарзандни бекаму кўст тарбиялаб вояга етказди. Уларнинг тўнғичи бўлмиш З. Наджимов мактабни олтин медаль билан битириб, Тошкент давлат политехника институтига имтиёзли равишда ўқишга кирди. Олий таълим муассасасини муваффақиятли тамомлагач, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Электроника институтида илмий ходим сифатида ўз фаолиятини бошлади. Бу ерда бироз малакасини оширгач, пойтахтимиздаги хўжалик буюмлари фабрикасига бош муҳандис лавозимига ишга ўтди.

1980 йилда у ҳукумат йўлланмаси билан Тошкент вилояти ИИБ давлат мулкининг талон-торож қилинишига қарши курашиш бўлими катта инспектори лавозимига тайинланди. Ёш ходим аста-секинлик билан касб сир-асрорларини пухта эгаллаб, хизмат пиллапояларидан юқорига кўтарила боради. Айниқса, мазкур соҳага оид кўплаб жиноятларни фош этиб, халқ мулкини қонунбузарлар тажовузидан ҳимоя қилгани учун раҳбариятнинг ишончини қозонади. Шу сабабли ҳам уни Россиянинг Горький шаҳридаги Давлат мулкининг талон-торож қилинишига қарши курашиш олий мактабига ўқишга юборишди.

Мазкур таълим муассасасини муваффақиятли тамомлаб, ҳар томонлама билим ва тажрибага эга бўлиб қайтган З. Наджимов раҳбариятнинг тавсияси билан ўзи аввал хизмат қилган бўлимга бошлиқ этиб тайинланади. Шундан сўнг ҳудуддаги кўплаб уюшган жиноий гуруҳларнинг илдизига болта урилиб, аста-секинлик билан уларнинг фаолиятига чек қўйила бошланди. Унинг ана шундай фидокорона хизматлари қадрланиб, ҳатто 1986 йилда мазкур хизматнинг энг яхши ходими деган шарафли номга муяссар бўлди ҳамда «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

Қуйида эса жонкуяр ходим фаолиятидан айрим лавҳаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

* * *

Қаҳратон қишнинг изғиринли кунларида одамлар кўчага чиқишга ҳам эринади. Аммо бундай об-ҳаводан унумли фойдаланган айрим кимсалар ими-жимида ғаразли ниятларини амалга оширишга ошиқади. Ана шундай кунларнинг бирида ҳар куни эрталаб Оҳангарон цемент заводидан 5 та юк машинасида ноқонуний равишда цемент маҳсулоти олиб чиқиб кетилаётгани тўғрисидаги хабар келиб тушади. З. Наджимов зудлик билан ишга киришади. Тонг саҳарда шахсий автомашинасида завод яқинига келиб, унинг ёнидан ўтувчи катта йўлнинг устида тўхтайди. Худди машинаси бузилиб қолган одамдай, унинг айрим жойларини текшира бошлайди. Орадан ҳеч қанча фурсат ўтмасдан, олинган хабар ўз тасдиғини топади. Яъни, заводнинг дарвозаси очилиб, айтилган 5 та юк машинаси бирин-кетин чиқиб келади. Улардан ёрдам сўраган киши бўлиб, биринчи юк машинасини тўхтатган синчков ходим хизмат гувоҳномасини кўрсатган ҳолда, ҳайдовчидан олиб кетилаётган маҳсулотнинг ҳужжатларини сўрайди. Шофёр дарров у сўраган ҳужжатларни тақдим этади. Қолган тўртала машинанинг ҳайдовчилари ҳам худди шундай қилишади. Аммо ўтказилган текширувлар натижасида мазкур ҳужжатларнинг барчаси қалбаки эканлиги аён бўлиб, қонунбузарлар тегишли тартибда жазоланади.

* * *

Тошкент шаҳридаги озиқ-овқат маҳсулотлари сақланадиган омборларнинг биридан катта миқдордаги гўшт маҳсулотлари қонунга хилоф равишда олиб чиқилади. Бу юк ортилган машина орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан, Тошкент вилоятида хизмат олиб бораётган Зиёвитдин Наджимов томонидан тўхтатилади. Бундан хабар топган, халқнинг мулкини ўзлаштирмоқчи бўлган мансабдорлар осойишталик посбонига қўнғироқ қилиб, юқларни тезда қўйиб юборишни, акс ҳолда, ўзи учун ёмон бўлишини айтиб, дўқ-пўписа қилади. Бироқ виждон амрига қулоқ тутган Зиёвитдин Наджимов қасамёдига содиқ қолади. Узоқ йиллар давомида ҳалол хизмат қилиб, 2002 йилда ёруғ юз билан подполковник унвонида пенсияга чиқади.

– Коррупцияга қарши муваффақиятли курашиш учун, аввало, фуқаролар онгига мазкур иллатнинг жирканч оқибатларга олиб келишини сингдириш лозимдир, – дейди З. Наджимов. – Шундагина тинимсиз қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини беради.

Зиёвитдин Наджимов кўп йиллик хизмати давомида устози, полковник Пётр Кандан соҳанинг сир-асрорларини қунт билан ўрганди. Кейинроқ унинг ўзи ҳам кўплаб шогирдлар етиштирди.

Оилада ҳам ўзининг ўрнига эга бўлган бу инсон турмуш ўртоғи Муқаддас ая билан тўрт нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Катта ўғли Камолиддин тадбиркор, тўнғич қизи Барнохон юрист. Яна бир ўғли подполковник Ф. Наджимов ҳозирда ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси 1-сонли тергов ҳибсхонаси кадрлар бўлими бошлиғи, қизи катта сержант Саодат Раҳимова эса Тошкент тумани ИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимида инспектор лавозимида хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда 11 нафар набиранинг севимли бобожони бўлган З. Наджимов 70 ёшни қаршилаганига қарамасдан, ҳамон тиниб-тинчимайди. Бадиий китобларни мутолаа қилиш билан бирга, ўзи ҳам ҳаётий тажрибалари ҳақида ҳикоя қилувчи «Умр чизгилари» номли автобиографик китобни ёзиб тугатиш арафасида.

**Михли САФАРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

# ОНА ЮРТ ТАРАННУМИ

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Қуролли Кучлар академиясида «Мардлар қўриқлайди Ватанни!» қўшиқлар танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ҳарбий хизматчиларнинг Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат туйғусини алангалатувчи, юртга дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган қўшиқлар яратишни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган мазкур танлов ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилмоқда.**




Танловда тизимда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, шунингдек, бадиий жамоалар иштирок этди.

Кўрик-танловда иштирокчилар саф, лирик ва эстрада қўшиқлари йўналишлари бўйича ўз истеъдодларини намойиш қилишди. Ҳакамлар ҳайъати баҳолаш жараёнида қўшиқнинг мавзуси, шеърнинг мазмуни ва долзарблиги, куйининг халқчиллиги, оммавийлиги ҳамда юқори маҳорат билан ижро этилганига алоҳида эътибор қаратишди.

Қизғин ўтган беллашув натижаларига кўра, саф қўшиқлари йўналиши бўйича ғолиблик Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаси, сержант Ботир Хожиевга насиб қилди. Лирик қўшиқлар йўналиши бўйича биринчи ўринни ИИВ Маданият саройи ашула ва рақс ансамбли хонандаси, сафдор Фарҳод Қамбаров эгаллади. Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хор жамоаси эса эстрада қўшиқлари йўналиши бўйича зафар қозонди.

– Танловда «Ўзбекистонга таъзим» (Зикрилла Неъмат сўзи, Нурали Эркаев мусиқаси) қўшиғини куйладим, – дейди лирик қўшиқлар йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллаган Фарҳод Қамбаров. – Очиғи, ғолиб бўлишни кутмагандим, негаки, иштирокчилар кўп, бунинг устига, ҳаммаси бир-биридан профессионал даражада тайёрланган. Рақобат кучли эди. Танлов якунида ғолиблар рўйхатида исм-шарифим ўқиб эшиттирилганида жудаям ҳаяжон босди, чинданам кутилмаган натижа бўлди. Албатта, бу меҳнатларнинг ортида катта бир жамоа турибди. Бу барчамизнинг ютуғимиздир.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Адолат ФАЙЗИЕВА,**
**«Postda» мухбири.**

СИЗ КУТГАН УЧРАШУВ

# «Ҳамма фильм ҳам муваффақият қозонавермайди»



Таниқли театр ва кино актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Беҳзод Муҳаммадкаримов 1964 йил Тошкентда туғилган.

1984 йилда ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини тугатган.

1986 йил ҳарбий хизматни тугатганидан сўнг ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театрида ўз фаолиятини бошлаган.

Кинодаги илк роли «Оқ бино оқшомлари» фильмидаги Аваз образи. «Ўтган кунлар»да Отабек, «Амир Темур»да Амир Темур, «Шайтанат»да Элчин, «Абдуллатиф»да Абдуллатиф ва бошқа қатор турли характердаги бош ролларни ижро этган.

**Беҳзод Муҳаммадкаримовни доимо қизғин иш жараёнида учратиш мумкин. Республика ёш томошабинлар театри биносида кўришишга келишган эдик. Энди йўлга чиққанимизда, иложи бўлса, Ўзбек Миллий академик драма театрига боришимни айтиб қолди. Чунки Назар Эшонқул сценарийси асосида саҳналаштирилган «Жалолиддин Мангуберди» спектаклининг репетиция жараёни бошланган экан. Жалолиддин Мангубердининг отаси – Муҳаммад Хоразмшоҳ ролини ижро этаётган Беҳзод Муҳаммадкаримов билан суҳбатимиз айнан шу мавзудан бошланди.**

– Мана шу театрда 30 йил олдин актёрларни қабул қилиш бўйича кўрик-танлов бўлган эди. Ўшанда Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» трагедиясидаги Мангуберди монологини ўқиган эдим. Буни қарангки, бугун Жалолиддиннинг отаси ролини ўйнайдиган ёшга кирибмиз. Бундай тарихий спектакллар театрда қўйилиши шарт. Чунки тарих билан томошабинни таништириш театрнинг асосий вазифаларидан биридир. Спектакль жараёнида уларнинг тасаввурлари янада бойийди, тарихга оид билимлари ошади. Зеро, буюк шахслар ролини ижро этишдан олдин ўзимиз ҳам кўплаб тарихий манбаларга мурожаат қиламиз.

**– Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги арафасида юртимиз киноижодкорлари томонидан «Амир Темур» бадиий фильми суратга олинган, ўшанда сиз бош ролни талқин қилгандингиз. Сизнингча, мазкур фильм муваффақиятсизлигининг сабаби нимада?**

– Иш бор жойда, албатта, камчиликлар бўлади. Бу тарихий фильмлар анча узилиш бўлиб қолгандан кейинги биринчи фильм эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Бунинг устига, Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб шошилинч суратга олинди. Фильм асосан Соҳибқироннинг ёшлик даври ҳақида. Бу киноижодкорларга катта тажриба мактаби вазифасини ўтади. Ахир, ҳамма фильм ҳам доимо муваффақият қозонавермайди. Қолаверса, Соҳибқирон бобомиз ҳақида қанча фильм ёки сериал олинса ҳам кам. Бундан тегишли хулоса чиқариб, бу жараённи яна давом эттириш керак.

**– «Гладиатор», «Шерюрак», «Робин Гуд» ва яна бошқа тарихий фильмларни қайта-қайта кўргингиз келаверади. Ваҳоланки, юртимиз бундай тарихий шахсларга жуда бой. Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Широқ, Тўмарис, Темур Малик ва ҳоказо. Ҳар бири ҳақида алоҳида фильм, кўп қисмли сериаллар олса бўлади. Шу соҳанинг илғор вакили сифатида бизда шундай фильмлар олинмаётганини қандай изоҳлайсиз?**

– Бунга асосий сабаб, юқорида айтганимдай, тарихий мавзудаги фильмларнинг олинмай қўйганида. Охирги йилларда Ўзбеккино миллий агентлигида «Элпарвар», «Қўқон шамоли», «Авлоний», фильмлари суратга олингани, бу йўналишда яна жонланиш сезилаётгани қувонарлидир. Фильмдан фильмга ўсиб келиняпти. Бирининг хатосини бошқаси такрорламасликка ҳаракат қиляпти, бирининг ютуғини бошқаси ўзлаштиряпти. 20 йиллик узилишдан кейин тарихий фильмларни олиш энди бошланди. Агар орада ана шу узилиш бўлмаганида, ҳозир анча юқори чўққига чиққан бўлардик. Барибир, ҳаммаси бирданига бўлиб қолмайди. Тажриба қанча оширилса, самараси ҳам шунча яхши бўлади.

**– Сизни нафақат миллий кино ва театрларимиздаги унутилмас роллар ижрочиси, балки кўплаб хориж фильмларидаги таниқли актёрларни ўзбек тилида маҳорат билан «гапиртирган» серқирра ижодкор сифатида ҳам биламиз. Театр, кино ва дубляж... Уларнинг фаолиятингиздаги ўрни қандай?**

– Асосий иш жойим театр. Бу даргоҳ ҳар бир актёр учун тажриба мактаби. Томошабинлар билан бевосита мулоқот қилиш орқали бир вақтнинг ўзида уларнинг муносабатини билиш, ҳис қилиш имконияти. Ҳозир ижро этасиз-у, баҳосини шу лаҳзада оласиз. Кинода ҳам худди шу ишни қиламиз. Лекин кинонинг яхши томони, аудиторияси кенглигида.

Дубляжда ҳар хил характердаги қаҳрамонларга овоз берамиз. Кинода режиссёр кўпинча кўринишдан келиб чиқиб, шунга мос келадиган ролларни беради. У актёрнинг ташқи кўриниши ва қайси характердаги ролни ижро этиши мумкинлигини билиб туради. Қиёфангизнинг ўйнаётган ролингизга тўғри келиши ярим муваффақиятдир. Шу ерда нозик бир жиҳат бор: кўринишга овоз тўғри келмаслиги мумкин.

Ҳаммамиз биламизки, машҳур «Ўтган кунлар» асаридаги Отабек ролини Ўлмас Алихўжаев ўйнаган. Ўлмас Алихўжаевнинг моҳирона ижроси ва Темурмалик Юнусовнинг асар тилидаги юксак овози образни мукаммаллаштирган. Шу тариқа, иккита одам битта образни мукаммаллаштирган ҳолатлар учраши табиий ҳол.



Чет эл кинофильмлари қаҳрамонларига, ҳар хил характер эгаларига овоз бериш тилимизни чархлайди. Микрофон қаршисида бўлсак ҳам, роль ижро этамиз. Асардаги воқеаларни юракдан ҳис этсаккина овоз бериш муваффақиятли чиқади. Дубляж ҳар хил характерларда ўзимизни синаб кўришга имкон беради. Саҳнада нутқимизнинг равон чиқишида ҳам дубляжда орттирилган тажрибанинг ўрни катта.

**– Томошабин сифатида айтадиган бўлсам, Беҳзод Муҳаммадкаримовни комедия жанридаги фильмларда тасаввур қилиш бирмунча қийин. Бу ташқи кўриниш, характерингиз билан боғлиқми ёки сизни бундай ролларга таклиф қилишмайдими?**

– Бир хил одамлар бор – кўрганингиздаёқ юзингизда табассум уйғонади. Уларга ярашади, лекин менинг кўриниш ва характерим комедия жанрига унча тўғри келмайди. Қолаверса, томошабинлар жиддий ролларимизга ўрганиб қолишган. Лекин театрда комик ролларим бор. Масалан, шу кунларда атоқли қорақалпоқ адиби Ўрозбой Абдураҳмонов қаламига мансуб комедия жанридаги «Ўжарлар» спектаклида комик роль ижро этяпман. Ушбу асарда жамиятда илдиз отган – «фақат менинг айтганим бўлади» қабилида иш кўрадиганлар устидан нозик табассум билан сўз юритилади. «Хотинлар гапидан чиққан ҳангома» спектаклидаги Комил образи илк комик ролим эди.

**– Ўйнаган ролларингиздан қониқмаган пайтларингиз ҳам бўлганми? Яъни, касб нуқтаи назаридан ўзингизга ёқмаган ролни ижро этганмисиз?**

– Ўйнаган ролларимдан ҳеч қачон тўлақонли қониқмаганман. Ҳар сафар, масалан, кинода, эҳ, мана шу жойида ундоқ қилсам ёки бундоқ қилсам бўларкан, деган пайтларим бўлади.

**– Ўзбек киносининг яқин келажаги ҳақида нималар дея оласиз? Маиший мавзулардаги киноларнинг кўпайиб кетишига сабаб нима? Ёки томошабиннинг диди ўтмаслашиб бопяптими?**

– Хусусий киностудиялар томошабин нуқтаи назаридан келиб чиқади, кассабоплигига эътибор қаратади. Тарихий фильмлар эса катта маблағ талаб этади. Шунинг учун хусусий киностудиялар бунга журъат қилмаётган бўлса керак.



Эътироф этиш керакки, Ўзбекистонда ҳам қийинчилик даврлари ортда қолди. 90-йиллар билан таққосласак, кино соҳасида ҳам силжишлар кўзга ташланаётгани қувонарлидир. Турк киноижодкорлари билан ҳамкорликда Беруний ҳақида ҳужжатли фильм суратга олинди. Жалолиддин Мангуберди ҳақида ҳам ҳамкорликда кўп қисмли бадиий фильм суратга олиш ишлари бошланди. Бу ўзбек киноижодкорларига катта тажриба мактаби бўлишига ишонаман.

**– Айни пайтда Беҳзод Муҳаммадкаримов қандай лойиҳалар устида ишламоқда?**

– Театрда Жалолиддин Мангубердининг отаси – Муҳаммад Хоразмшоҳ ролини ижро этаётган бўлсам, кино соҳасида эса бир-иккита лойиҳаларда қатнашаяпман. Яқин кунларда улар томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади.

**– Ҳаётингиз ва фаолиятингизда китобнинг ўрни қандай? Қайси мавзулардаги асарлар сизга кўпроқ ёқади?**

– «Бобурнома», «Ўтган кунлар» севимли китобларим. Тарихга жуда қизиқаман. Шу сабабли, бадиий китоблардан ташқари, улуғ аждодларимиз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи асарларни қизиқиш билан ўқийман. Тарихий китобларни ўқиш бўш вақтингизга мазмун бағишлаш билан бирга, тарихимиз ҳақидаги маълумотларингизни бойитади. Улуғ алломаларимизнинг фаолиятларини ўрганиб, уларга ўхшагингиз келади.

**– Орзуингиздаги ролни ижро этдингизми?**

– Амир Темурнинг ёшлигини ўйнаган эдим. Соҳибқирон бобомиз ҳақида яна фильм олинса, унинг кейинги ҳаётини экранда акс эттириш менинг энг катта орзуим.

**– Муштарийларга қандай тилакларингиз бор?**

– Бутун дунёда энг қадрли неъмат – тинчлик. Дунёнинг кўплаб давлатлари бу улуғ неъматни орзу қилишади.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиз тинчлик-осойишталигини таъминлашдек шарафли вазифани адо этаётган ички ишлар органлари ходимларининг машаққатли хизматларига муваффақият, соғлиқ-саломатлик, оилаларига хотиржамлик тилайман. Зеро, ўзининг уйи, оиласида хотиржамлик бўлган ходимгина зиммасидаги залворли вазифани масъулият билан бажара олади.

**«Postda» мухбири**
**Шерзод АБДУСАМАДОВ**
**суҳбатлашди.**

## ПРЕСС-СЛУЖБА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ СООБЩАЕТ:

Международные связи

# СОТРУДНИЧЕСТВО – ЗАЛОГ РАЗВИТИЯ

**В конце 2019 года делегация Федеральной службы войск Национальной гвардии Российской Федерации во главе с заместителем директора Федеральной службы генерал-полковником Олегом Борукаевым находилась в Республике Узбекистан с официальным визитом**



Состоялась встреча с первым заместителем командующего Национальной гвардией Республики Узбекистан генерал-майором Ботиром Турсуновым.

Стороны обсудили перспективы дальнейшего взаимодействия. Состоялось подписание Плана сотрудничества между Национальной гвардией Республики Узбекистан и Федеральной службой войск Национальной гвардии Российской Федерации на 2020 год.

Зарубежные гости ознакомились с деятельностью Главного управления охраны Национальной гвардии Узбекистана и УППСиООП ГУВД г. Ташкента, а также работой, проводимой в рамках реализации проектов «Безопасный город» и «Безопасный туризм» в международном центре Tashkent city.

Я обязательно стану военным

# МЕСЯЧНИК ПАТРИОТИЗМА

**По всей стране проходят масштабные духовно-просветительские мероприятия, посвященные 28-летию образования Вооруженных Сил и Дню защитников Родины**



Управление Национальной гвардии Республики Узбекистан по Сурхандарьинской области провело в общеобразовательной школе № 3 г. Термеза духовно-просветительские и спортивные мероприятия под девизом «Буду вносить вклад в развитие Родины».

Военнослужащие Управления Национальной гвардии по Бухарской области в преддверии 14 января – Дня защитников Родины организовали среди учащихся специализированных классов школ города Кагана спортивное соревнование и культурно-просветительское мероприятие под общим названием «Я тоже стану сотрудником гвардии».

Военнослужащие специализированного учебного центра Национальной гвардии провели духовно-просветительское мероприятие «Я буду защитником Родины» и военно-спортивное мероприятие «Темурбеклар» среди учащихся школ № 112 и 223 Мирзо-Улугбекского и Юнусабадского районов столицы.

Управление Национальной гвардии по Ферганской области организовало для учеников 10-11-х классов школы № 8 г. Коканда занятие на тему: «Роль и место Вооруженных Сил в гражданском обществе».

Областное подразделение Национальной гвардии организовало в Андижанской области художественный вечер «Я тоже стану военнослужащим», а также спортивное соревнование, в котором участвовали свыше 300 учеников 5-6-7-х классов школы № 31 Андижанского района.



* * *

В рамках проводимой акции военнослужащие Национальной гвардии посещают дома граждан, семьи сотрудников, погибших при исполнении служебных обязанностей, детей с ограниченными возможностями.

В частности, военнослужащие столичного подразделения Национальной гвардии посетили школу для детей с ограниченными возможностями № 4, расположенную в Чиланзарском районе Ташкента.

Сотрудники Службы охраны и военнослужащие Управления Национальной гвардии по Бухарской области побывали в семьях погибших при исполнении служебных обязанностей старшего лейтенанта Умрзака Болтаева, рядового Сунната Самандарова, рядовых сотрудников Нуриддина Эркаева, Илхома Гадоева, Нарзулло Зикриллоева и Бахтиёра Равшанова. Они поздравили членов семей с праздниками, оказали им моральную поддержку и материальную помощь.

Были также организованы мероприятия для воспитанников домов «Мехрибонлик».

Военнослужащие Управления Национальной гвардии Республики Узбекистан по Республике Каракалпакстан посетили малообеспеченные семьи, проживающие в МСГ «Навбахор» города Нукуса, и оказали им необходимую помощь.

Спорт

# БАХОДИР ЖАЛОЛОВ – ЛУЧШИЙ СПОРТСМЕН ГОДА

**26 декабря 2019 года в столичном дворце торжеств «Навруз» состоялось награждение лауреатов «Национальной спортивной премии–2019»**

Военнослужащий Национальной гвардии Республики Узбекистан Баходир Жалолов был признан «Лучшим спортсменом года». Он достойно представлял нашу Родину на мировых аренах, добивался высоких результатов и в сентябре 2019 года, согласно Указу Президента Республики Узбекистан, был удостоен почетного звания «Узбекистон ифтихори» («Гордость Узбекистана»).

Он был также признан «Самым лучшим боксером» на чемпионате мира по боксу, состоявшемся в городе Екатеринбурге в сентябре 2019 года.



Н. МАХМУДОВА, лейтенант.

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# ПРЕЗИДЕНТСКАЯ ШКОЛА ОКРЫЛЯЕТ МОЛОДЕЖЬ

*«Отныне авторитетным гостям мы будем показывать не большие заводы, а президентские школы. Вы должны подавать всем пример своими знаниями, поведением, чувством патриотизма. В будущем вы станете силой, способной влиять на развитие Узбекистана».*

**Ш. МИРЗИЁЕВ.**

С первых дней своей деятельности глава нашего государства отмечает, что для эффективного реформирования общества и достижения намеченных целей нужны квалифицированные кадры, наделенные креативным мышлением, осваивающие передовые технологии. Фундамент для подготовки высококвалифицированных специалистов закладывается в дошкольных образовательных учреждениях и общеобразовательных школах.

В связи с этим отдельное внимание уделяется развитию в Узбекистане всех звеньев образовательно-воспитательной сферы, совершенствованию их деятельности, повышению результативности, выдвигая в качестве приоритетной задачи коренное совершенствование системы образования, воспитание молодежи патриотичными, высокодуховными личностями.

В ходе своей поездки в Каракалпакстан в ноябре 2018 года глава государства отметил, что для того, чтобы вывести страну на новый уровень развития, необходимы кадры нового поколения. В этой связи в каждом регионе будет организовано по одной школе нового типа.

20 февраля 2019 года было принято постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по образованию Президентских школ». В рамках его реализации в Ташкенте открыта первая Президентская школа. Строительство подобных образовательных учреждений ускоренными темпами ведется в городах Нукусе, Намангане, Хиве. В 2020 году Президентские школы примут учащихся Бухарской, Джизакской, Кашкадарьинской, Самаркандской и Ферганской, а в 2021 году – Андижанской, Навоийской, Сурхандарьинской, Сырдарьинской и Ташкентской областей.

Президентские школы – специализированные образовательные учреждения – будут представлять целостную систему по выявлению, обучению и воспитанию одаренных детей с применением передовых образовательных технологий.

Поступить туда смогут выпускники четвертых классов общеобразовательных школ республики по результатам тестирования на логическое мышление, письменного экзамена и собеседования. Ежегодная квота приема – 24 ученика, с равномерным распределением в два класса, по 12 учеников в каждом.

Обучение будет осуществляться на английском языке по учебным планам и программам, разрабатываемым совместно с зарубежными образовательными учреждениями. В целях воспитания учащихся в духе патриотизма особое внимание, наряду с естественными и точными науками и иностранными языками, будет уделяться изучению узбекского языка, литературы, истории и других предметов. Ученики 9–11 классов, с учетом их интересов, таланта и интеллектуального потенциала, могут выбирать отдельные дисциплины и уровни их изучения.

Выпускникам Президентских школ наряду с документом об образовании установленного государственного образца (свидетельство, аттестат) будет выдаваться диплом соответствующей программы международного уровня (International Baccalaureate, Advanced Placement или International Advanced Levels), предоставляющий возможность поступления в ведущие зарубежные высшие образовательные учреждения.






Президентская школа, действующая в Ташкенте, – прообраз образовательных учреждений нового типа. Она рассчитана на 168 мест, в ней имеется 12 классов, по 2 кабинета информатики и английского языка, физическая, химическая и биологическая лаборатории, спальный корпус, столовая, 15-местная гостиница для иностранных преподавателей. Все помещения оснащены современным учебным оборудованием и техникой. Даже в строительстве спортивного зала, плавательного бассейна и футбольной площадки прослеживается инновационный подход.

Учащиеся пять дней в неделю находятся в школе, где для них создана благоприятная семейная атмосфера. На выходные дни родители могут забрать детей домой.

Это образовательное учреждение в корне отличается от обычных школ. Здесь установлен регулярный контроль над освоением предметов, учащихся стимулируют к постоянной работе над собой. Помимо освоения знаний, ученики должны обладать повышенным чувством национального самосознания, в совершенстве знать историю Узбекистана и родной язык.

В текущем году на обучение в 5–10-х классах школы поступили 144 человека. Это говорит о том, насколько серьезно подходят здесь к отбору. Несомненно, у поступивших в Президентскую школу детей, в буквальном смысле, за спиной вырастают крылья. Они помогут им взлететь на вершину профессионализма, так как будущее нашей страны – за профессионалами.

**Подготовила**
**А. БОХОДИРОВА,**
**лейтенант.**








ОЛТИН МЕРОС

*Ёзганинг, агар, ўзингни йиғлатмаса, кулдирмаса, ўзгани ҳеч йиғлатмас-кулдирмас...*

**Абдулла ҚОДИРИЙ.**

# ЭЛЛИК ЙИЛДАН СЎНГ ЭЛИГА ҚАЙТГАН АСАР

**Олам айвонида шундай инсонлар яшаб ўтганки, улар нафақат тарихий асарлар яратган, балки ҳаёти ва ижодий фаолияти билан ўзлари ҳам тарихнинг бир бўлагига айланган. Дунё романчилигининг олтинчи мактаби – ўзбек миллий романчилигига асос солган буюк ва суюк ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг ҳар бир ўтган куни бир тарихдир.**

Икки асрни олтин кўприкдай боғлаб турган Абдулла Қодирий туғилганда юртимиз қарамлик дарди, мутелик азобидан азият чекарди. Янги тузумни катта умидлар билан кутиб олган адиб йиллар ўтиши билан дастлабки берилган ваъдалар ёлғон эканини сезади. Айниқса, Сталин даври бошлангандан сўнг тақиқ ва тазйиқлар яна кучайиб кетади. Сўз бошқа, иш бошқа, миллий мустақиллик оғизда бор, амалда йўқолган эди. Шу боис Абдулла Қодирий «Миллатимга» деб аталган илк шеъридаёқ халқнинг асл жонкуяри бўлиб майдонга чиққанди. Йигирманчи йилларда авжига чиққан риёкор мафкура нуқул ўтмишга тош отиб, тарихни қоралаб турган пайтларда Қодирий бирин-кетин иккита тарихий роман ёзганлиги унинг нақадар жасур инсон ва жасоратли ижодкор бўлганини баралла кўрсатди.

**ЭЪТИРОФ**

*Тоғларнинг виқорини кўриш учун улардан узоқлашиш зарур, худди шундай ҳолат буюк ишлар ва буюк шахсларда кузатилади. Абдулла Қодирийнинг сўнмас ижод баҳосининг буюклигини кўриш ва тушуниш учун ярим асрдан ортиқ вақт талаб этилди.*

**Иззат СУЛТОНОВ.**

Минг афсуски, элимизнинг ардоқли фарзанди, улуғ адиб Абдулла Қодирий машъум қатағон қурбонига айланиб, 1938 йил 4 октябрда отилди. Унинг асарлари ҳам худди ўзи каби туну кун тинимсиз ишлаётган қатағон машинаси домига тушди. Адиб асарларини уйида сақлаган одамлар ҳам даҳшат ва ваҳшат кони бўлган лагерларга ташланди. Истиқлолни куйлаган Абдулла Қодирий романларини ўқиган ўнлаб китобсеварлар мустақилликка эришган кунимиздан айнан қирқ йил олдин 10 ва 25 йил муддатга қамалгани ҳам тарихдир...

Замона ўзгаришлари асносида унинг асарлари 1956 йилдан бошлаб янгидан нашр этила бошланди.



Бундан роппа-роса эллик йил олдин, яъни 1969 йилда таниқли режиссёр Йўлдош Аъзамов томонидан адиб романи асосида яратилган «Ўтган кунлар» фильми ҳамон тарихимизни бадиий талқин этган энг ажойиб киноасар сифатида юксак қадрланади.



Бироқ олдингидан бир қадар юмшаган бўлса-да, ҳануз аямажуз кунлар давом этаётгани сабабли собиқ иттифоқ марказида ўтирганлар ўз сўзини ўтказади. Натижада фильмнинг миллийлик уфуриб турган энг гўзал саҳналари, эрк ва озодликка даъват этувчи лавҳалар моҳирлик билан «қайчиланади»...

**ЭЪТИРОФ**

*Ёшлигимизда Абдулла Қодирий романларини берилиб ўқир эдик. Биз унинг инсон феъл-атворини ясаш, бизгача инсон эҳтиросларининг туғёнини етказиб бериш маҳоратидан ҳайратланардик.*

**Мухтор АУЭЗОВ,**
**қозоқ ёзувчиси.**

Якунланган йилда Президентимиз ташаббуси билан 1969 йилда режиссёр Йўлдош Аъзамов томонидан яратилган ва миллий санъатимизнинг буюк дарғалари иштирок этган «Ўтган кунлар» фильмининг тўла версияси негатив плёнкадан қайта тикланиб, рақамли форматга ўтказилди ҳамда 2019 йил 7 декабрь куни Ўзбекистонга тақдим этилди. Таниқли ҳамюртимиз Алишер Усмоновнинг беминнат кўмагида амалга оширилган ушбу эзгу иш миллий кинематографиямиз дурдонасининг рақамли форматга ўтказилган версиясини Россия кинофондидан қайтариб олиб келиш миллий лойиҳасининг навбатдаги босқичи бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кўмаги билан 29 декабрь куни мамлакатимизнинг 10 та миллий телеканали «Ўтган кунлар» фильмининг тўла версиясини бир вақтда намойиш қилиш акциясини ўтказди. Машҳур ёзувчи Абдулла Қодирийнинг романи асосида яратилган ушбу фильм намойиши ёзувчи туғилган куннинг 125 йиллигига бағишланди.

Бир сўз билан айтганда, Вазирлар Маҳкамасининг халқимизнинг севимли ёзувчиси Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги фармойиши нафақат улуғ адиб хотирасининг абадийлаштирилиши, балки унинг шахси, бетакрор асарлари тарғиботида ҳам муҳим аҳамият касб этди.

**Темир ҚУРБОНОВ.**



## СИЗ БИЛГАН-БИЛМАГАН ТАРИХ

*Ҳабибулла Қодирийни сўроқ қилиш чоғида Абдулла Қодирийнинг «Амир Умархоннинг канизи» номли қўлёзма асарига тамаки ўраб чекишган ва бутун бошли асар шу тарзда йўқ қилинган. Абдулла Қодирий фарзандларига: «Агар «Амир Умархоннинг канизи» битиб, эълон қилинса, одамлар «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён»ни ўқимай қўяди» деган эканлар...*

* * *

*Ҳабибуллоҳ Қодирий оталари – Абдулла Қодирийга ўқ узган аскар билан учрашганлар, аммо аскарда адоватлари бўлмаган.*

* * *

*Қодирий уни отишга шайланган аскардан сўнгги илтижо сифатида унинг тунука идишдаги сувини сўрайди.*

*Аскарни ҳайрон қолдириб, Қодирий сувни ичмайди. У ўша бир кафт сув билан таҳорат олади ва икки ракат нафл намозини ўқиб, кейин уни отавериши мумкинлигини айтади.*

*Аскарнинг айтишича, Қодирий ўлимдан қўрқмаган, киприк ҳам қоқмаган.*

* * *

*Ёзувчининг «Намоз ўғри», «Даҳшат» каби романлар яратиш орзуси ҳам ушалмай қолиб кетган.*

* * *

*Абдулла Қодирийнинг XX асрнинг ўттизинчи йиллари ёзилган, аммо нашр этилмаган саҳна асари асосида Марк Вайль «Оппоқ лайлак» саҳна асарини ўзининг Тошкентдаги «Илҳом» театрида саҳналаштирган.*

* * *

*Атоқли қирғиз адиби, ўзбек халқининг қадрдон дўсти Чингиз Айтматов Отабек шаҳид кетган Авлиёота шаҳри яқинидаги Шакар овулида туғилиб ўсиб, айни шу Авлиёота шаҳрида таҳсил кўрган.*

**Эркин САТТОРОВ тайёрлади.**

## «ЎТКАН КУНЛАР»даги машҳур иборалар

* * *

«Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир».

* * *

«Сиз ўшаму?».

* * *

«Марғилонда шундоқ келинимиз бор экан-у, биз билмай юрган эканмиз».

* * *

«Бу даргоҳдан ҳеч ким норизо бўлиб кетмаган».



* * *

«Билсангиз, ҳайдалиш куйини чалингиз».

* * *

«Сизнинг устингиздан бир иш қилиб қўйдик».

* * *

«Бу ёғига Зайнаб урсин»

* * *

«Сизга ўтириб узатсин демайман, аммо бизга бу такаллуфнинг кераги йўқ».

* * *

«Мен рози, мен кўндим».

ҲАҚИҚАТ ЭГИЛАДИ, АММО...

# Судда оқланган майор

**Туҳмат, сув ва ўт балосидан ўзинг асра, деган гапнинг мағзини офатлар жабрини кўрган, туҳматнинг аччиқ асоратини бошидан ўтказганлар жуда яхши билади. Бу балои офатлар кутилмаганда ёпирилиб келадики, кўз очиб юмгунча бор-будингиздан айрилишингиз, пок номингиз бадном бўлиши мумкин.**

**Бугун Наманган шаҳар 1-Ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида хизмат қилаётган подполковник Равшанбек Усмоновга ҳам бу кечинмалар бегона эмас. Чунки у ҳаммасини бошидан ўтказди. Туҳмат қанчалик қаддини дол қилишига ўз ҳаётида амин бўлди.**



2013 йил 27 август. Равшанбек ака бу санани сира унутмайди. Ўша куни жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судида унинг ҳаётини остин-устун қилиб юборадиган, бир неча оилани ғамга ботирадиган суд қарори чиқарилди. Вилоят ИИБ ҲПБда масъул лавозимлардан бирида хизмат қилган Равшанбек Усмонов Жиноят кодексининг бир неча моддалари билан айбдор деб топилиб, узил-кесил 8 йилга озодликдан маҳрум этилди.

8 йил... Асирларни қаритган тарих олдида бу вақт, балки, бир лаҳзадек гапдир, бироқ бир инсонни бадном қилиш, ҳаётини издан чиқариб юбориш учун етарли муддат. Хўш, Р. Усмонов нима учун, қандай нотўғри иши боис шундай жазога лойиқ кўрилди? Суд қароридан англашиладики, унга Жиноят кодексининг бир неча моддалари, яъни пора олиш, жиноятни ҳисобга олишни қасддан яшириш, ҳақорат қилиш бўйича айблар қўйилган ва айбдор деб топилган. Аслида-чи, ҳақиқатан ҳам шундаймиди?

Жиноят ишининг очилиши ва ўша машъум суд қарорининг чиқарилишига 2012–2013 йилларда бўлиб ўтган воқеалар сабаб бўлганди. Воқеа-ҳодисаларга тескари тўн кийдирилиши, гувоҳларнинг кўрсатувлари ёлғоннинг ҳақиқатга айланишига олиб келди.

Ўша пайтда вилоят ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ ва ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмаси бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатаётган майор Равшандек Усмоновнинг хатти-ҳаракати ахлоқи бузуқ, осон йўл билан пул топишни ўзига касб қилиб олган айрим кимсаларга ёқмай қолганди. Шундайлардан бири қўшмачи сифатида рўйхатда турган М. Э. эди. Бўлинма ходимларининг унинг «фаолияти»га йўл бермаётгани М. Э.га сира маъқул келмасди, албатта.

Шундай амалиётлар бўлиб турган бир пайтда майор Р. Усмонов қидирувда бўлган В. Ф.ни пойтахтдан олиб келишига тўғри келади. Шу мақсадда фуқаро М. Ш. бошқарувидаги «Нексия» автомашинасини ёллайди. Пойтахтга бориб, қидирувдаги шахсни икки фарзанди билан олиб келгач, ҳайдовчига йўлкира учун 190 минг сўм пул беради.

Жиноят ишида бу ҳолат умуман бошқача талқин қилинади. Гўёки майор Р. Усмонов М. Э.га фоҳишахона сақлаш ва қўшмачилик қилиши юзасидан ҳужжат расмийлаштирмаслик ҳамда чора кўрмаслик эвазига Тошкент шаҳрига бориб-келиш учун машина ташкиллаштириб беришни ундан талаб қилган. Бунинг учун ҳайдовчига 190 минг сўмни М. Э. берган, деган важ келтирилади.

Жиноят ишидаги Р. Усмоновнинг мансабдор шахсни ҳақорат қилгани билан боғлиқ ҳолат ҳам кишида шубҳа уйғотиши табиий. Унда айтилишича, 2013 йилнинг апрель ойида Наманган вилояти прокуратурасининг тергов бўлими хонасида Р. Усмонов вилоят МХХБ масъул шахсининг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаб, уни ҳақорат қилган.

Асосан юқоридаги ҳолатлар умумлаштирилиб, жиноят иши «ясалади» ва шу «далиллар» асосида суд қарори чиқарилади.

Жиноят содир этган одам қамалса, қилмиш – қидирмиш, дея тақдирга тан беради. Лекин қилмаган жинояти учун ишидан айрилиш, яқинларидан узоқда бўлиш, кўп йилга озодликдан маҳрум этилиш, оғир бадал тўлашга ҳамма ҳам рози бўлавермайди. Ўзининг ҳақлигига тўла ишонган киши борки, ҳақиқат учун курашади. Адолат истаб ҳаракат қилади, бу йўлда умидини сўндирмайди. Р. Усмонов ҳам суд қароридан норози бўлиб юқори инстанция судларига кўп бора мурожаат қилди, бироқ...

Сўнгги йилларда бошқа соҳаларда бўлгани каби, мамлакатимиз суд тизимида ҳам кенг миқёсда ислоҳотлар олиб борилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Чинакам учинчи ҳокимият мақомига эришиш, судьялар мустақиллигини таъминлаш, суднинг очиқлиги ва шаффофлигини ошириш бўйича дадил қадам ташланяпти. Айнан мана шу омиллар Р. Усмонов каби ноҳақ жазога тортилганлар ишини қайта кўриш имконини яратди.

2018 йилнинг ноябрь ойида судланувчининг ҳимоячиси томонидан 2013 йилда чиқарилган суд қароридан норози бўлиб, юқори инстанция судига киритилган шикояти судлов ҳайъати томонидан қайта кўриб чиқилди. Барча далиллар ўрганилди, гувоҳлар кўрсатуви эшитилди. Бу жараёнда тергов давомида, далилларни мақбуллаштиришда бир қанча камчиликларга йўл қўйилгани маълум бўлди. Судлов ҳайъати Р. Усмоновни пора олиш, жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш, ҳақорат қилиш жиноятларини содир этганликда айблаш учун асослар мавжуд эмас, судланувчининг айбсизлигини исботловчи далиллар етарли, М. Э.нинг кўрсатувлари ишончли эмас ва жиноий ҳодисалар юз бермаган деб топди. Р. Усмонов суд залининг ўзида оқланди.

– Энг ёмони нима, биласизми, қилмаган ишингиз учун ёмонотлиққа чиқишингиз, айбдорга айланишингиз. Бундай пайтда ҳамманинг кўзига балодек кўриниб, одамлар сиздан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолади. Кимнингдир таскинига, кўмагига, маслаҳатига муҳтож бўлсангиз-да, сизга ёрдам қўлини чўзадиган мард топилмайди, – дейди Р. Усмонов ўша кунларни ёдга олиб. – Мен ҳаётнинг ана шундай синовларини бошдан ўтказдим. Энг муҳими, адолат қарор топди. Эл-юрт олдида юзим ёруғ бўлди. Шундай имкониятни яратиб бергани учун Юртбошимиздан, вазирлик раҳбариятидан жуда миннатдорман. Халқим тинчлиги, юртим осойишталиги учун янада фидойилик билан хизмат қилишга ваъда бераман.

Р. Усмонов озодликдан маҳрум этилганда оиласи, ёш болалари, кекса волидаи муҳтарамаси Турсуной ая унинг қарамоғида эди. Ўғлининг қамалганини эшитиб, соғлиғи ёмонлашмасин дея, онага бу қайғули хабарни айтишмади. Бирида узоққа, кўп вақтга хизмат сафарига кетган дейишса, бошқа пайти иши чет элга кўчирилибди, ўша ёқда ишлаяпти экан, деб айтишди. Лекин онанинг кўнгли сезар экан... Кўзига ёш олиб, Яратгандан ўғлининг мушкулини осон қилишини сўраб тинимсиз дуо қилди.

– Оллоҳга минг қатла шукур, фарзандим оиласига, болалари бағрига қайтиб келди. Ҳақиқатнинг қарор топишига ҳисса қўшганлар барака топсин, сира ёмонлик кўрмасин. Фарзанд доғида куйдирмай, адолатни қарор топтиргани учун Юртбошимиздан, бошқа раҳбарлардан жуда миннатдорман, – дейди онахон.

Оқлангандан кейин ишига қайтган, подполковник унвонига сазовор бўлган Р. Усмонов Наманган шаҳридаги 1-ИИБда хизмат қилмоқда. Ҳар гал хизматга отланар экан, 85 ёшли онаси Турсуной аянинг дуосини олмасдан кетмайди.

**Абдиносир МЎМИНОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти суди судьяси.**
**Фозилжон МАМАШАРИПОВ,**
**«Postda» мухбири.**

ДАМ ОЛИШ СОАТИ

# ҚИСҚА САВОЛЛАРГА ҚИСҚА ЖАВОБЛАР

Ички ишлар органлари ходимларининг китобхонликка бўлган қизиқишини, бўш вақтларини оила аъзолари билан қандай ўтказишини, шунингдек, маданият масканлари ва тарихий жойларга ташрифини билиш мақсадида уларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилдик:

**1. Охирги ўқиган китобингиз?**
**2. Оила аъзоларингиз билан биргаликда кўрган спектакль ёки кинофильмингиз?**
**3. Қайси диққатга сазовор жойларга боргансиз?**

**Диёр СОАТОВ,**
Жиззах вилояти ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник:



**1**. Охирги ўқиган бадиий асарим афғон ёзувчиси Холид Ҳусайнийнинг **«Шамол ортидан югуриб»** романидир. Бу асарда уруш туфайли болалар чеккан азиятлар ўз ифодасини топган. Ўлим, очлик, миллатчилик, чиркин урфлар болаликни йўққа чиқараётгани таъсирли, ишончли ва моҳирона тасвирлаб берилган. Китобни ўқиган киши афғон менталитети, маданияти, турмуш тарзини беихтиёр англай бошлайди. Саҳифаларни варақлаган сайин тинчлик-хотиржамликнинг қадрига етиб, урушга нисбатан нафратингиз ортади.

**2**. Оила аъзоларим билан бирга тез-тез театрга тушиб тураман. Яқинда Жиззах вилояти мусиқали драма театри ижодий жамоаси томонидан тайёрланган **«Баҳодир»** спектаклини томоша қилдик. Эл-юрт тинчлиги, осойишталигини сақлаш учун террорчилар гуруҳига қўшилиб, уларни фош қилган йигитнинг жасоратлари тўғрисида ҳикоя қилувчи бу асар барчамизда илиқ таассурот қолдирди.

**3**. Президентимизнинг «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, мамлакатимизда мазкур соҳа ривожланяпти. Биз ҳам 2019 йилнинг ноябрь ойида оиламиз билан **Бухоро**га саёҳатга бордик. Боболаримиз қолдирган маънавий мерос билан яқиндан танишар эканмиз, шундай улуғ аждодларимиз бўлганлигидан фахр туйдик. Бундан ташқари, юртимиз тарихи ва бугунги ўзгаришларга оид таассуротларимиз бойиди. Қолаверса, яхши дам ўқиш ва ишлаш иштиёқини оширади. Бу йил кўҳна Хивага боришни мўлжаллаяпмиз.

**Лайлохон ҲАЗРАТҚУЛОВА,**
Фарғона вилояти ИИБ ҲПБ хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори, капитан:



**1.** Аҳмад Лутфий Қозончининг **«Ҳазрат Умар»** номли китобини ўқидим. Бу асарда адолати ҳануз қалбларда қуёш бўлиб порлаётган мўътабар зот – Умар ибн Хаттоб ҳаётининг биз билган-билмаган қирралари жонли бўёқларда чизилган. Ҳозир Тоҳир Маликнинг **«Мурдалар гапирмайдилар»** номли китобини мутолаа қиляпман.

**2.** Фарғона вилояти мусиқали драма театрида намойиш этилган **«Навоий ва Бойқаро»** спектаклини оила аъзоларимиз билан биргаликда томоша қилдик.

**3.** Охирги марта дам олиш куни оиламиз билан **Қўқон** шаҳрига саёҳатга бориб, тарихий Ўрда меъморий обидаси ва бошқа кўнгилочар жойларни томоша қилдик.



# Детская страничка



Новый год дал старт…

## Почему у березы на белой коре черные пятна?

Почему березы белые, еще в XVIII веке объяснил химик Товий Ловиц. Он смог выделить из коры дерева кристаллическое органическое вещество, которое было названо бетулином. Бетулин – твердое смолистое вещество, благодаря которому кора имеет очень плотную структуру, не пропускающую воду и воздух и защищающую от сильных морозов. Но так как воздух необходим клеткам ствола, на помощь приходят черные полоски – чечевички. У них более рыхлая структура, расстояние между клетками намного больше, и дерево может дышать.



## Логические загадки

1. Грузовик ехал в деревню. По дороге он встретил четыре легковые машины. Сколько машин ехало в деревню?
2. Знаменитый фокусник говорит, что может поставить бутылку в центре комнаты и вползти в нее. Как это?
3. Может ли дождь лить два дня подряд?
4. Какой месяц короче всех?
5. Вы опередили лыжника, который находился на второй позиции. Какое место теперь занимаете вы?

**Ответы:** 1. Одна. 2. Вползти в комнату может каждый. 3. Нет, между ними ночь. 4. Май, так как в нем всего лишь три буквы. 5. Обогнав лыжника, вы становитесь на его место, а именно, на второе.



Городское движение.
(На этом рисунке есть два несоответствия.)

### Юмор

В детском садике:
– Мой папа очень боится Деда Мороза.
– Почему ты так решил?
– Потому что когда приходит Дед Мороз, я не могу найти папу.

* * *

Заяц, угрожая снеговику феном:
– Морковка или жизнь?!

На почту пришло письмо.
Читают: Деду Морозу! Открыли, а там написано:
– Дедушка Мороз! Пишет тебе Дима. Я живу на севере. У нас зима, Новый год, но я на улицу выйти не могу, потому что у меня нет теплой шубки, руковичек, шапочки и валенок. Дедушка, пришли мне, пожалуйста, шубку, руковички, шапочку и валенки.
Ну, работницы почты прослезились, собрали, кто сколько мог, но на варежки не хватило. Решили отправить без варежек.
Через некоторое время снова приходит письмо Деду Морозу:
– Спасибо, дедушка, за подарок! Но варежки не дошли, наверное, на почте вытащили…

## Ребус







Автобусная остановка.
(На этом рисунке также два несоответствия.)



ЗДОРОВЬЕ

# СОМНИТЕЛЬНАЯ ПОЛЬЗА

## сколько можно жевать жвачку без вреда для здоровья?

**Споры о том, полезна или вредна жевательная резинка, сколько по времени надо ее жевать после еды, не утихают по сей день. В этой статье мы расскажем, чем может навредить жвачка и как долго ее надо жевать с гигиеническими целями**



### БОЛЬШЕ ВРЕДА, ЧЕМ ПОЛЬЗЫ

Жевательная резинка – неотъемлемый атрибут современного общества. Многие рекламные ролики убеждают нас, что без нее зубы не будут чистыми и здоровыми. В первую очередь нужно запомнить, что жевать жвачку можно только после еды, и не дольше трех минут. Если мы используем ее на голодный желудок, то начинается активное слюноотделение, организм принимает сигнал о том, что в желудок сейчас начнет поступать пища. В результате запускается процесс пищеварения, выделяется желудочный сок. Но пища, естественно, не поступает, а выделенный желудком для переваривания продуктов сок начинает разъедать стенки незаполненного желудка. Возникает риск гастрита и прочих патологий желудочно-кишечного тракта.

Зачастую жвачку используют как вариант для очищения зубов после приема пищи. Однако она выполняет эту роль не на 100%. Рассчитывать, что жвачка станет полноценной заменой зубных щетки и нити, не стоит. Да, поверхность зубов за счет липкой структуры продукта слегка очистится. А вот задняя (небная или язычная) часть, а также все контактные поверхности (зоны между зубами) не очистятся. Если после еды надеяться только на трехминутное жевание жвачки, игнорируя зубную щетку, то начнется активное развитие кариеса.

Незаметные остатки пищи легко застревают между зубами, оставаясь нетронутыми, потому как жвачка туда просто «не дотянется». А это значит, что в межзубном пространстве легко могут начаться процессы гниения, брожения с выделением токсинов из остатков продуктов, что чревато воспалением десен и кариесом.



Жевание жвачки не поможет и в отношении очищения щечной поверхности, даже если она будет использоваться дольше положенных 3 минут. Поэтому после каждого основательного приема пищи следует чистить зубы щеткой. Желательно при этом использовать пасту, а также дополнительно прочищать межзубные пространства специальной нитью.

Если перекус был небольшим, можно отказаться от жвачки в пользу твердого фрукта или овоща – моркови, яблока, огурца. Твердые овощи и фрукты также могут очистить зубы. Однако фрукты содержат кислоты, поэтому после их применения стоит ополоснуть рот водой.

Иногда жевательную резинку используют с целью освежения дыхания. Однако она справляется с этим, пока вы ее жуете. Тут стоит, скорее, озадачиться поиском причины несвежего дыхания. Возможно, у вас есть проблемы с желудочно-кишечным трактом, а может, причина в воспалении десен – образовании микроорганизмов, вызывающих неприятный запах и выделяющих токсины. Причиной запаха могут быть и разрушенные зубы. Жвачка в этом случае не поможет.

По сути, жевательную резинку можно назвать бесполезной, а в случае если жевать ее на голодный желудок, даже вредной, т. к. это приводит к заболеваниям желудочно-кишечного тракта.

### И НЕ ТОЛЬКО...

Жевание жвачки может привести к развитию головных болей. Если же жевать ее постоянно, длительное время, то происходит избыточная и совершенно ненужная тренировка жевательных мышц челюсти. Вследствие этого легко может развиться их гипертрофия, что в дальнейшем приводит к появлению головных болей.

Так что увлекаться жвачкой не стоит. Если вы привыкли к ней, то используйте нечасто и недолго, не рассчитывая на то, что она поможет полностью очистить зубы и освежить дыхание.

ЗНАЕТЕ ЛИ ВЫ...

## ...почему люди чихают, когда смотрят на яркий свет?



Если в ясный солнечный день выйти на улицу, то 18–35 % человек обязательно чихнут, так как обладают одной плохо изученной генетической чертой. Феномен внезапного чихания (световой чихательный рефлекс) возникает, когда яркий свет, раздражая зрительные нервы глаз, воздействует на рецепторы, которые отвечают за чихание. Дело в том, что зрительные рецепторы находятся рядом с рецепторами обоняния, все они входят в мозг примерно в одной и той же точке. Таким образом, мозг реагирует на зрительную реакцию так же, как и на обонятельную, ему кажется, что в организм попало чужеродное вещество. Мозг тут же дает команду избавиться от этого вещества и стимулирует процесс чихания.

## ...почему человек дрожит, когда ему страшно?

При испуге мозг посылает сигнал надпочечникам, которые выбрасывают в кровь адреналин и кортизон – гормоны стресса. Задача этих гормонов – быстро подготовить организм к возможной физической нагрузке (нападению, защите или бегству). Благодаря этим гормонам, учащается сердцебиение, зрачки расширяются, возникает туннельное зрение, мышцы напрягаются до такой степени, что при отсутствии физической активности (бегства, нападения) они начинают быстро сокращаться. Внешне это и проявляется дрожью.



**Подготовлено по материалам интернета.**

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# «СТЕЧКИН» КИМГА «АТАЛГАН» ЭДИ?

**Мамлакат осойишталиги ва халқнинг хотиржам турмушини таъминлаш ички ишлар органларидан мудом сергак бўлиш, ҳар бир шубҳали ҳолатни назардан қочирмаслик, арзимасдек туюлган маълумотга ҳам эътиборсиз бўлмасликни талаб этади.**

**Тошкент шаҳар ИИББнинг масъул ходимлари асли Қозоғистон фуқароси бўлган ва қарийб бир йилдан буён юртимизда яшаб келаётган Саид (исм-шарифлар ўзгартирилди)нинг шубҳали ҳаракатлари бўйича келиб тушган маълумотлар билан танишиб чиқиш жараёнида уни чуқурроқ ўрганиш керак, деган хулосага келишди.**

Зудлик билан қўшимча кузатув ишларини бошлаб юборган ИИВ соҳавий хизмат ходимлари шубҳалар ўринсиз эмаслигига амин бўлишди. Энди Саидни қўлга олиш ва қандай «юмуш»лар билан машғуллигини ойдинлаштириш қолганди. Кузатув натижасида тўпланган маълумотларга асосан, Тошкент ҳалқа йўли бўйлаб ҳаракатланаётган «Кобальт» русумли автоуловни тўхтатиб, текшириш бўйича тузилган режага мувофиқ, ИИВ махсус кучлари томонидан ўта аниқлик ва усталик билан амалга оширилган тезкор тадбир натижасида Саидни қўлга олиш вазифаси муваффақият билан уддаланди. Бироқ масала янада жиддийроқ тус олди. Гап шундаки, асосий эътибор Саидни қўлга олишга қаратилган бўлса-да, амалиёт давомида унинг ҳамроҳлари воқеа жойидан очиқдан-очиқ қочишга уринганликлари уларнинг ҳамтовоқ эканлигини ошкор этиб қўйди. Қўлга олиш якунига етгач, автотранспорт воситасининг юкхонасида Саидга тегишли сумкадан олдиндан тахмин қилинганидек, «Стечкин» маркали жанговар ўқотар қурол ва 13 дона патрон топилди.

Табиий савол туғилади: тинчлик ва осудалик ҳукм сураётган юртимизга Саиднинг қурол билан келишидан мақсади нима бўлган? Жанговар патронлар кимга «аталган» эди?

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг турли моддалари билан уч бора судланиб, жиноий жавобгарликка тортилган Саидни юртида жиноятчи сифатида билишар, ундан ўзини олиб қочишга ҳаракат қилишарди. Бир сўз билан айтганда, уч маротаба судланган инсонга энди бировнинг ишониши жуда мушкул эди.

Жонини койитмай осон пул топишни мақсад қилган одам охир-оқибат жиноят кўчасига кириб қолиши айни ҳақиқат. Саид ҳам меҳнатсиз осон пул топишга ўрганиб, ҳаётга панжа ортидан қарашга одатланиб қолганди. Юртида ашаддий жиноятчи деган ном олган ушбу шахс 2018 йилнинг сентябрь ойида ватанини ташлаб, ўзига ҳамфикр гумашталарни излаб, айланма йўллар билан Ўзбекистонга келади.

Тинтув жараёнида Саид ва шерикларининг гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланиши маълум бўлди. Саиднинг кийим-бошлари кўздан кечирилганда, гашиш гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланди. Аммо бу ҳали калаванинг учи эди, холос. Тергов жараёнида у Тошкент тумани Келес кўчасидаги вақтинча яшаётган уйида ўзига тегишли 30 та полиэтилен пакетга қадоқланган гиёҳвандлик моддаси борлигини тан олди.





Саид наркотик моддаларни қўшни Қирғизистон Республикаси фуқароси Рустам исмли шахсдан олганлигини айтиб, Тожикистондан ҳам бир неча марта гиёҳвандлик моддалари олиб кирганлигини тасдиқловчи далиллар олдида ожиз қолди. Неча-неча инсонларнинг умрига зомин бўлиши муқаррар бўлган оғуни келтиришда унга машинада қўлга олинган ҳамроҳлари А. Макаренко ва С. Ботир яқиндан ёрдам бериб келган. «Кобальт» йўловчиларидан яна бири Б. Олим текширилганда, унинг ёнидан ҳам гиёҳвандлик моддаси топилди.

Кўриниб турибдики, ушбу ҳолатда автотранспорт воситасидаги барча йўловчилар аввалдан бир-бирини яхши билган ҳамда уюшган ҳолда, наркотик моддалар савдоси билан шуғулланиб келишган.

Суриштирув давомида ҳамтовоқларнинг бошқа кирдикорлари ҳам маълум бўлди. Саид жиноятга мойиллиги ва пулга муҳтожлиги бўлган шахсларни йиғиб, босқинчилик билан ҳам шуғулланиб келганлиги ҳақидаги фактлар ойдинлашгач, автомашина юкхонасига «Стечкин» ва унинг 13 дона патрони қандай қилиб келиб қолганлигига жавоб топилди. Қурол одамларни қўрқитиш, босқинчилик қилиш, наркотик моддаларни олиб кириш ва сотишда фойдаланилган.

Сўнгги йилларда Юртбошимиз бошчилигида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида қўшни республикалар билан алоқалар тобора яхшиланмоқда. Қўшни давлатлар фуқароларининг юртимизга ўтиши, саёҳат қилишига кенг йўл очилди, одамларнинг узоғи яқин қилинди.

Халқлар ўртасида дўстлик, бирдамлик мустаҳкамланаётган мана шундай бир даврда, бу каби ғаламис кимсаларнинг учраб туриши, яратилаётган имкониятлардан ўзининг ғаразли мақсади йўлида фойдаланиши кўнгилни хира қилади. Уларнинг кўзлаган мақсадига ета олмаслиги учун фуқаролар ён-атрофдаги шубҳали инсонларга эътиборсиз бўлмаслиги ва бу ҳақда ўз вақтида ички ишлар органларига хабар бериш орқали юртимиздаги тинч ва осойишта ҳаётнинг мустаҳкамлигига ҳисса қўшиши ватанпарварлик намунасидир. Зеро, юрт тинчлиги, Ватан осудалигидан азиз неъмат йўқ. Уни асраб-авайлаш эса барчамизнинг бурчимиздир.

**Д. ШОМУРОДОВ,**
**подполковник.**
**Н. АШУРАЛИЕВ,**
**катта сержант.**

# МУШТУМЗЎРНИНГ ЗЎРЛИГИ ҚИММАТГА ТУШДИ

**Яқинда Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани суди томонидан жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаган, ўзаро жанжаллашиб, бир-бирига турли даражада тан жароҳати етказган икки нафар ҳайдовчининг хатти-ҳаракатлари юзасидан жиноят иши кўриб чиқилди.**

Иш ҳужжатларига кўра, судланувчи Акмал Ботиров (исм-шарифлар ўзгартирилди) 2019 йил 3 март куни соат 22:00ларда «Ласетти» русумли автомашинани йўловчисиз Гулистон–Деҳқонобод йўналиши бўйлаб бошқариб келаётган бўлган. Ушбу автомобиль йўлининг қарама-қарши йўналишидан эса Ҳасан Бойиров ичида йўловчилар бўлган «Каптива» русумли автомашинасини узоқни ёритувчи чироқларни ёққан ҳолда бошқариб келган. Натижада Акмал Ботиров бошқарувидаги автомашина йўлнинг



қарама-қарши томонига чиқиб, «Каптива»нинг ҳаракатланишига тўсқинлик қилган.

Содир бўлган воқеадан сўнг ҳайдовчилар йўл четида тўхтаб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан бузган ҳолда, ўзаро жанжаллашишган ва уриб, тепиб, бир-бирига турли кўринишдаги тан жароҳати етказишган.

Шу вақтда «Матиз» русумли автомашинасида ҳаракатланиб келаётган профилактика инспектори ва бошқалар уларни ажратишга муваффақ бўлишган.

Ҳайдовчилар хатти-ҳаракатларига ойдинлик киритиш мақсадида улар Мирзаобод тумани ИИБ биносига келтирилган. Икковлон ИИБ биносининг йиғилиш хонасида ҳам ёқалашиш даражасигача боришган.

Қоидабузар ҳайдовчиларнинг жанжали қимматга тушди. Акмал Ботировнинг укаси автомашинани таъмирлаб беришни сўраб борганида, «Каптива» ҳайдовчиси Ҳасан Бойиров уни уриб, оғир тан жароҳати етказган. Суд-экспертиза хулосалари ва бошқа тақдим этилган ҳужжатларга таяниб, жавобгарнинг қилмишига яраша ажрим чиқарди.

Жавобгар жабрланувчининг даволаниши учун кетган ҳаражатларни тўлаш баробарида, «Ласетти» автомашинасини ҳам таъмирлаб беришга мажбур бўлди.

**Ф. СУВОНҚУЛОВ,**
***Жиноят ишлари бўйича***
***Мирзаобод тумани суди раиси.***
*Сирдарё вилояти.*

БУ – ҚИЗИҚ!

# ҲАЁТИНГИЗНИ ЯХШИЛАЙДИГАН ХОББИЛАР

**Руҳшунослар ҳаётимизни яхшилаш учун севимли машғулотлар билан шуғулланишни тавсия этишади. Бунинг учун, энг аввало, ўз хоббингизни танлаб олинг.**



## КИТОБ МУТОЛАА ҚИЛИШ

Бу энг фойдали хоббилардан бири. Яхши асар орқали сўз бойлиги ошади, фикр теранлашади. Тадқиқотлар ўқиш стрессни енгишга ёрдам беришини исботлади. Шунингдек, энг яхши уйқу воситаси ҳамдир. Чунки китоб ўқиганда қалб сокинлашади, мия дам олади, кўнгил ҳузурланади. Балки шунинг учун ҳам айрим кишилар ётишдан олдин китоб ўқишни одат қилишгандир.

## ПИАНИНО ЧАЛИШ



Пианино чалишни ўрганиб нафақат ўзингизни, балки дўстларингизни ҳам хушвақт қиласиз. Шунингдек, мазкур мусиқа асбоби хотирани мустаҳкамлайди, қўл ҳаракати ва эшитиш қобилиятини кучайтиради. Тадқиқотларга кўра, мусиқа билан шуғулланадиганларда кексалик билан боғлиқ ақл ожизлиги касаллигига чалиниш бошқаларга нисбатан 60 фоизга кам экан.

## БОҒБОНЛИК

Ҳовлида яшаган киши ерга меҳр бериш орқали ўзи ҳам яшнаб бораверади. Биринчидан, тоза ҳаво – танга даво. Иккинчидан, доимо жисмоний ҳаракатда бўласиз. Боғбонлик деменция ривожланиш хавфини ҳамда кортизол гормони даражасини камайтиради. Энг асосийси, хонадонингизда доимо барра сабзавотлар ва сархил мевалар бўлишини таъминлайсиз.





## ШАХМАТ

Шахмат билим қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Ўйинлар давомида миянинг иккала ярим палласи ҳам ишлайди, мантиқий ва абстракт фикрлаш фаоллашади, хотира мустаҳкамланади.

## РАҚС



Рақс – бу фақатгина завқ эмас, балки қўшимча жисмоний машқлардир. Рақс машғулотлари туфайли иммунитет мустаҳкамланади, юқумли касалликлар, вирусли хасталиклар ва бронхитга чидамли бўласиз. Рақс билан шуғулланиш, ҳатто бўғма хуружининг енгиллашишига ҳам ёрдам беради. Рақс ҳам спорт турлари каби юрак, асаб тизими фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиб, мияга кислород етказиб берилишини таъминлайди, хотирани яхшилайди, фикрлаш қобилияти, саҳна маҳоратини ривожлантиради. Машғулотлар пайтида барча мушаклар ҳаракатга келади, натижада чиройли қомат шаклланади. Қадам ташлаш енгиллашиб, нафислик ва нозиклик касб этади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ғарб рақслари ортиқча вазндан халос бўлишга ёрдам берса, миллий рақслар кайфиятни яхшилаб, танадаги салбий энергиядан қутулиш омилидир.



## ЖАМОАВИЙ СПОРТ

Спорт жамоасига қўшилиш – одамлар билан танишиш ва янги дўстлар орттиришнинг ажойиб усулидир. Волейбол – энг осон спорт тури бўлиб, баскетбол, футбол ҳам одамлар билан киришимли бўлишга ёрдам беради, чарчаган асаб чигилликларини ёзади, кайфиятингизни яхшилайди.



## ЖАНГ САНЪАТИ

Жанг санъатларини ўрганиш руҳий юксалиш учун ҳам зарурдир. Жанг усуллари фақат уришиш йўл-йўриғи эмас, айни дамда мустаҳкам соғлиқ, жисмоний-руҳий қувват машқлари ҳамдир. Уларни мунтазам бажарган киши соғлом бўлади, умрига умр қўшилади. Қони тозаланиб, руҳи камолот босқичларига кўтарилади.

## ОНЛАЙН КУРСЛАР

Билим – кучдир. Янги нарсаларни ўрганиш орқали ўзингизга кўпроқ ишона бошлайсиз. Ишингиз билан боғлиқ нарсаларни ўргансангиз, бу лавозимингиз ва маошингиз ошишига олиб келиши мумкин. Ахир,



машғулотлар мия ишини рағбатлантиради. Бугунги кунда ниманидир ўрганиш жуда осон. Курсга ёки институтга боришингизга ҳожат йўқ. Фақат интернет браузерни очинг, ўзингизга мос дарсни топинг ва янги маълумотни ўрганинг.




## ТИЛ ЎРГАНИШ

Нима учун тил ўрганиш севимли машғулот бўлиши мумкин эмас? Нима учун жаҳон адабиёти дурдоналари саналмиш асарларни асл нусхада ўқимайсиз? Масалан, фақат рус тилини билсангиз, 260 миллион киши билан гаплашишингиз мумкин. Бунга испан тилини қўшсангиз, бу рақамни уч марта оширасиз. Бундан ташқари, янги хорижий тил сиз тўғрингиздаги маълумотларни бойитиб, имкониятларингизни янада оширади.

**Адолат ФАЙЗИЕВА тайёрлади.**

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ички ишлар вазирлиги Фахрийлар кенгаши ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги подполковник Акром Тўйчиевга турмуш ўртоғи

**Дилором ТЎЙЧИЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

КРИМИНАЛЬНАЯ ИСТОРИЯ

# Дело «открывашек»

**Недавно в следственном отделе при УКД ОВД Яшнабадского района города Ташкента было возбуждено уголовное дело в отношении жителей Бектемирского района столицы – Рустама Фахрутдинова и ранее судимого Антона Сергиевского, которых «взяли» за совершение краж из автомобилей**









Что толкнуло этих людей на данное преступление? Оба особых материальных затруднений не испытывали – работали, занимались частным извозом, а значит, имели неплохой дневной заработок. Что же тогда? Чтобы найти ответ, предлагаю, основываясь на признательных показаниях Сергиевского и Фахрутдинова, стать как бы невидимыми свидетелями этой криминальной истории и представить, как все происходило...

…Ночь выдалась необыкновенно тихой и морозной. Полная луна заливала призрачным голубоватым светом улицу, на которой в поздний час не было ни души. Горожане спали мирным сном. Тополя, росшие по краям узенького арычка, отбрасывали причудливые тени, похожие на стройных великанов в остроконечных шапках. На их фоне, то скрываясь, то проявляясь, бесшумно плыли иные тени, которые ближе к маленькому домику махаллинской пекарни обрели плоть, превратившись в людей, проскользнувших к одинокому автомобилю, припаркованному на обочине дороги.

Один из незнакомцев прильнул к стеклу машины и внимательно осмотрел салон. Так и есть, сигнализация отсутствует, можно действовать не спеша. Его напарник вынул из-за пояса длинную отвертку и, немного «поколдовав» над замком, отворил дверцу без шума и возни. Грабители аккуратно вынули из гнезда автомагнитолу, отцепили стереоколонки, вытащили добротные резиновые половики, сложили все в сумку и так же бесшумно растворились в ночи. Общая сумма похищенного составила более миллиона сумов.

…Вохид Акрамов вышел на улицу и зажмурил глаза от яркого солнца. Чудесное утро! Позвякивая ключами, он направился к своей любимой «Нексии» и вдруг заметил, что дверцы автомобиля открыты! Кинувшись к машине, понял – его обокрали. Пострадавший долго проклинал мерзкого вора и призывал на его голову кары небесные, а затем написал заявление в ОВД по месту жительства.

…Следующей ночью преступный дуэт вскрыл автомобиль, принадлежащий жителю Яшнабадского района Алишеру Суюнову. Воры поживились новенькой автомагнитолой, радаром-детектором, что вкупе составило 800 тысяч сумов.

Спустя два дня «герои» вновь вышли на дело – обокрали машину, припаркованную вблизи одного из детских садов. Но на сей раз удача отвернулась от них. Злоумышленники допустили несколько непростительных ошибок, за что и поплатились.

Тем временем сотрудники ОВД №2 УКД ОВД Яшнабадского района столицы шли по следу, казалось бы, неуловимых «открывашек», мастерски вскрывавших автомобили. Так как Сергиевский и Фахрутдинов выходили на охоту лишь глубокой ночью, работали бесшумно, практически не оставляли после себя никаких следов, выследить и взять их было сложно. Эта задача стала для оперов делом чести.

Прежде всего был установлен «почерк» преступников, которые работали простым и надежным способом – вскрывали замки отверткой. Так как кражи совершались в ночное время суток, свидетелей не было. Жители района спали глубоким сном, а воры действовали без лишнего шума, поэтому все проходило без проблем. К тому же скрыться в ночи не составляло особого труда. Ну и, конечно, они тщательно стирали все свои следы.

Однако есть аксиома, гласящая, что идеальных преступлений не бывает. В общем, в один из дней неуловимые «тени» прокололись: быть может, кто-то спугнул воров, а может, они стали терять бдительность. И появился результат – отпечатки пальцев, оставленные на месте преступления. Это было началом конца…

…Очередной темной ночью Сергиевский и Фахрутдинов проскользнули меж гаражей и приблизились к стоящему рядом автомобилю. Осмотрелись – никого. В многоэтажке напротив все спали. Сергиевский вплотную подошел к машине, прижавшись к стеклу, осмотрел салон, достал отвертку...

В этот момент послышался топот ног, возня, сдавленный крик. Тяжелая ладонь легла ему на плечо, другая рука схватила и сжала запястье.

– Только без глупостей, – прошептали ему на ухо. – Ну-ка, отдай свою отвертку. Молодец… А теперь протягивай руки – «браслеты» наденем. Тебе к ним не привыкать.

Сергиевский оглянулся – Фахрутдинов, окруженный оперативниками, лежал, уткнувшись лицом в мерзлый асфальт.

На следствии, которое проводилось в следственном отделе при УКД ОВД Яшнабадского района г. Ташкента, А. Сергиевский и Р. Фахрутдинов признались в совершенных кражах, искренне удивляясь тому, что попались. Они забыли, что за каждым преступлением тянется шлейф улик и следов. Следы эти умеют распознавать профессионалы. Поэтому как бы виртуозно преступник ни владел своим ремеслом, все равно в один из дней попадется на самой неприметной мелочи.

По факту кражи из автомобиля было возбуждено уголовное дело: в отношении А. Сергиевского – по ст. 169, ч. 4, п. «б», Р. Фахрутдинова – по ст. 169, ч. 3, п. «а» УК Республики Узбекистан. Следствие продолжается. Возможно появление новых фактов преступной деятельности наших «героев».

В завершение хочется предупредить уважаемых читателей: будьте бдительны и предусмотрительны, тогда «открывашки» не смогут вскрыть ваши автомобили.

(Имена и фамилии изменены, возможные совпадения носят случайный характер.)

**Г. ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент**
**«На посту».**
**О. ХАТАМОВА,**
**следователь СО при**
**УКД ОВД Яшнабадского**
**района г. Ташкента,**
**майор.**

КРИМИНАЛЬНЫЕ ЗАДАЧИ

## Загадка свадебного путешествия



Мистер и миссис Бригс, поженившись, отправились в свадебное путешествие в Альпы. Но через несколько дней новоиспеченный муж вернулся и сразу же направился в полицию. Он объяснил детективу Сандерсону, что его супруга упала с отвесной скалы и погибла. На следующий день Сандерсон арестовал Бригса. Преступник признался в убийстве, но не мог понять, как детектив догадался о его замысле. Сандерсон ответил, что ему помог звонок турагенту, отправившему молодоженов в путешествие. Что спросил детектив у сотрудника агентства?

## Убийство сэра Джейсона



Сэр Джейсон был убит пятничным вечером. В тот момент в поместье находились 5 человек: дворецкий, шеф-повар, горничная, садовник и жена сэра Джейсона. Они были опрошены детективом Сандерсоном и дали показания:

жена читала книгу у окна в гостиной;

дворецкий давал указания рабочим по телефону в холле;

шеф-повар готовил завтрак;

садовник срезал цветы для букета в саду;

горничная перебирала вещи в спальне хозяйки.

Выслушав всех, Сандерсон сразу же указал на убийцу. Кто он?

**Ответы:**

1. Детектив уточнил: сколько билетов оформил турагент для молодоженов. Их оказалось всего 3: 2 в Альпы и один – на имя Бригса – назад. Отправляясь в путешествие, муж уже знал, что домой вернется один.

2. Убийца – шеф-повар: убийство произошло вечером – он не мог готовить в это время завтрак.

## ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

**(с 6 по 12 января)**



**Овен.** В этот период можно рассчитывать на выгодную работу. Не отказывайтесь от партнерства и сотрудничества. Не исключены приятные и неожиданные финансовые сюрпризы, продвижение по служебной лестнице. Возможны вынужденная поездка или командировка. Наиболее важно избегать суеты, иллюзий и пустых фантазий.

**Телец.** Это время больше способствует духовным и интеллектуальным занятиям, отдыху и путешествиям, чем материальным заботам и хлопотам. Деньги больше любят тех, кто занимается необычными, но востребованными видами деятельности. Можно хорошо заработать в сфере рекламы и туризма.

**Близнецы.** Неделя благоприятна для сотрудничества, организации совместной деятельности и заключения соглашений, однако лучше не брать ответственность целиком на себя, а разделить ее с другими. В данный период хорошо решать юридические вопросы, консультироваться по правовым аскпектам, особенно во второй половине недели.

**Рак.** Потребуется большое трудолюбие и ответственное отношение рабочим обязанностям. Ваши доходы зависят от профессионального мастерства и старания. Придется быть внимательнее к потребностям и запросам потенциальных клиентов или покупателей. Это касается и людей творческих профессий.

**Лев.** Если вы занимаетесь творчеством, спортивной или научной деятельностью, то сейчас для вас наступает время побед. Кроме того, это хороший период для путешествий и расширения горизонтов. Вы с легкостью привлечете внимание к своей персоне и завоюете симпатии людей.

**Дева.** Период благоприятствует установлению контактов, как личных, так и деловых. Если ваша работа связана с продажами, то вы можете получить хорошую прибыль. Свободных Дев ждут романтические знакомства. Будьте внимательны и тщательно проверяйте всю поступающую информацию.

**Весы.** Благоприятный период для новых контактов и знакомств. Больше общайтесь, чаще бывайте в поездках и компаниях. Многие дела будут решаться благодаря связям. У некоторых Весов внезапно обострится интуиция. Ценные идеи и озарения могут посетить вашу голову спонтанно и непредсказуемо.

**Скорпион.** Внимание многих представителей знака будет направлено на сферу сотрудничества. Некоторые смогут убедиться в том, что в основе их отношений с партнером лежат преданность и истинная дружба. Встречи с друзьями и единомышленниками способны принести много радости.

**Стрелец.** Неделя карьерных устремлений, активного труда, нацеленного на повышение социального статуса и улучшение материальной обеспеченности. Придется больше контактировать по вопросам бизнеса со своим начальством, а также различными учреждениями, чиновниками. Время подходит для активного поиска работы, организации своего дела.

**Козерог.** Неделя, расширяющая возможности, в том числе в финансовой области. В большей степени профессиональные и денежные успехи зависят от вашего образования и готовности постоянно повышать уровень своих знаний. Особенно выиграют те, чья деятельность связана с наукой, преподаванием, юриспруденцией, религией, политикой, дальними поездками или организацией путешествий.

**Водолей.** Благоприятное время для целеустремленных Водолеев. Есть возможность продемонстрировать свой профессионализм и наладить доверительные отношения с руководством. Не исключено, что вы получите продвижение по карьерной лестнице. Смело реализуйте свои цели.

**Рыбы.** Наступает благоприятный период для путешествий и творчества. Если вы собираетесь в дальнюю поездку, то отправляйтесь на этой неделе. Вы можете покинуть родной дом не ради отдыха, а потому, что начальство решит отправить вас в командировку. Такие поездки также будут удачными, поэтому их не следует откладывать.

## Стереокартинка «Лыжник»



Приближаемся практически вплотную к картинке. Расслабьте глаза, не пытайтесь сфокусировать взгляд (картинка должна остаться нечеткой). В таком состоянии медленно (очень медленно!) отдаляемся назад. Если взгляд сфокусировался во время «отъезда» назад, то проделываем все сначала. Отдаляемся примерно на расстояние вытянутых рук (не более). Задерживаемся в этом положении и ничего не делаем, главное – не фокусировать взгляд на картинке, фокус должен остаться как бы за ней. Подождите некоторое время, ваши глаза все должны сделать за вас. Если не увидите стереоизображение с первого раза, не расстраивайтесь – такое часто случается, главное – терпение. С опытом это у вас будет получаться за пару секунд. Удачи!

ТАРИХГА БИР НАЗАР

# ТОШКЕНТНИНГ ЎН ИККИ ДАРВОЗАСИ

**Қадимда шарқнинг йирик шаҳарлари мудофаа деворлари билан ўралган бўлиб, кириш-чиқиш жойларида дарвозалар барпо этилган. Жумладан, Тошкент шаҳрига ўнинчи асрлардан бошлаб, дарвозалар қурилган. Дастлаб учта, кейин шаҳар кенгая боргач, деворлари ҳам узайган ва дарвозалар сони ҳам отиб борган. Тарихчи Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, XIV асрнинг охирига келиб шаҳарнинг 12 та дарвозаси бўлган. Улар Қиёт, Турк, Ўзбек, Тахтапул, Қорасарой, Чиғатой, Суъбониён (Сағбон), Кўкча, Камондарон, Қанғли, Бешоғоч, Қатағон номлари билан аталиб, уларни қўриқлаш маълум бир қабила вакилларига топширилган, шу туфайли дарвозалар қабила номлари билан аталган.**







Абдуллахон II томонидан 1580 йилда Тошкент қамал этилганида шаҳарга олти тарафдан ҳужум қилишга фармон берган. «Абдулланома» деб номланган тарихий асарда шаҳарнинг Фаркат, Шибли, Кўкча, Туркистон, Самарқанд, Регистон каби дарвозалари бўлганлиги қайд этилган. Кейинги асрларда шаҳар мудофаа девори ташқи душманлар ҳужуми натижасида вайрона ҳолига келган. Юнусхўжа хон бўлган даврда дарвозалар қайта тикланган. Тошкент Қўқон хонлиги томонидан қўшиб олингач, шаҳар девори қайта таъмирланиб, унинг баъзи жойларида миноралар қурилган, янги дарвозалар ўрнатилган.

Тошкент чор Россияси томонидан босиб олинган вақтга келиб (1865 йил) унинг қуйидаги 12 дарвозаси бўлган: Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чиғатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешоғоч, Қўймас, Қўқон, Қашқар.






Дарвозаларни қўриқлаш дарвозабонларга топширилган, улар тонгда дарвозаларни очиб, қоронғи тушиши билан ёпиб қўйишган, ҳар бир дарвозанинг алоҳида рамзий калити бўлган.



**Postda** На посту

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari –
podpolkovnik Qobuljon SHOKIROV
leytenant Aziza BAHODIROVA

Mas'ul kotiblar –
Erkin SATTOROV
Jahongir SHAROFBOYEV

Navbatchilar –
katta leytenant
Mixli SAFAROV
Radik TUMPAROV

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
**Faks:** 71-231-40-05.

**Obuna masalalari bo'yicha:**
71-231-38-74;
95-177-32-31

**Web-site:** www.postda.uz
**E-mail:** info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001 MFO 00420. ATIB «Ipotekabank» Mirobod tuman bo'limi. INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Postda»dan olinganligi ko'rsatilishi shart.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Buyurtma №V-4006.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 56 001 nusxada chop etildi.
**Obuna raqamlari:**
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

**MANZILIMIZ:**
**100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.**